

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти

НАСИБА АБРАЙҚУЛОВА

РАҚС ЖАМОАСИ БИЛАН ИШЛАШ УСЛУБИЁТИ

*Муסיқа санъат коллежи ва лицейлари рақс тўғараклари рақс
жамоалари раҳбарлари ҳамда балетмейстерлар учун қўлланма*

Тошкент 2007

A18

Абрайкулова, Насиба.

Рақс жамоаси билан ишлаш услубиёти.-т.:

ББК 85.32

*Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари Вазирлиги истиқболини
белгилаш, услубият ва ахборот Республика Маркази*

Масъул муҳаррир: **Акбар Нишонович Мўминов,**
Ўзбекистон Республикаси санъат
арбоби, доцент

Тақризчилар: **Рахматилла Турсунов,**
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган маданият ходими, профессор
Эркиной Ёкубовна Саитова,
Тошкент Давлат Миллий рақс ва
хореография Олий мактаби доценти

СЎЗ БОШИ

Мамлакатимизда кейинги вақтда таълим-тарбия тизими бутунлай ўзгарди. Давлатимиз бу масалага жиддий эътибор билан қарамоқда. "Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳужжатнинг қабул қилиниши, "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Қадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур" бу соҳадаги ишларнинг ривожланиши учун дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Кейинги йилларда мўтахассис қадрларни тайёрлаш ишига катта эътибор берилмоқда. Бугунги кунда Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги ғоят долзарб аҳамият касб этмоқда. Айниқса, Президентимизнинг "Токи юртимиз гўзал, файзли, эркин ва адолатли юрт бўлсин. Токи биздан олис авлодларга озод ва обод Ватан қолсин" деган умидбахш сўзлари ҳар бир Ўзбекистон фуқароси учун муътабар бўлиб қолмоқда. Демак, ижтимоий тараққиётга ривож берадиган, уни мустаҳкамлайдиган, замон билан ҳамнафас, фидойи мўтахассисларни тайёрлаш вақти келди. Бу вазифани амалга ошириш иши ўзбек миллий рақс санъатимизни ўрганиш ва ўргатиш иши билан шуғулланаётган мўтахассисларга ҳам бевосита алоқадордир. Ўзбек халқ рақс санъатини такомиллаштириш натижасида вужудга келган ўзбек рақс санъатини ўргатиш иши қарийб олти йил давомида республикаимизнинг барча мусиқа билим даргоҳларида амалга оширилиб келинмоқда. Бу давр ичида юзлаб моҳир раққосалар ва балетмейстерлар, педагоглар етишиб чиқдилар. Бу жараён маълум даражада ўргатиш услубини шакллантирди ва бу ишда ўзига хос бўлган тажриба ҳам тўпланди. Аммо шу кунгача ўзбек халқ рақсини ижро этишни ўргатиш услубларини ўзида умумлаштирган, ижрочилик бўйича йиғилган бой тажрибани акс эттирган бирон

қўлланма яратилгани йўқ. Мўтахассислар орасида ўргатиш услубининг у ёки бу масалалари юзасидан ягона фикр қарор топмас экан, ижро этишни ўргатиш бўйича айрим камчиликларга йўл қўйилиши муқаррар. Бу эса ўз навбатида ижрочиликка энди қадам қўяётган ёш раққосаларнинг саводли, ҳар тарафлама ривожланган, ижрочилик маҳорати сирларидан хабардор бўлиб тарбияланишларига салбий таъсир кўрсатади.

Мустақил иш бошлаётган ёш мўтахассислар етарли даражада ўргатиш тажрибасига эга бўлмаганлиги сабабли иш фаолиятида қатор қийинчиликларга дуч келадилар: айниқса, ҳаваскорлик рақс тўғараги раҳбарлари бадий-оммавий тадбирлар ташкил қилиш, унда қатнашиш ишида, рақс ижро этиш ишини нимадан бошлаш керак, турли ижро этиш усуллари қандай ўргатиш керак ва ҳоказо.

Ёш мутахассиснинг ўзи рақс ижро этишни аъло даражада ўзлаштирган бўлса ҳам, баъзида ўргатиш ишига келганда нўноқлик қилиб қолади.

Шу давргача чоп этилган дарслик ва қўлланмалардан фойдаланилган ҳолда ушбу қўлланма рақс ижро этишни ўргатиш ва ҳаваскорлик рақс жамоаларини ташкил этиш услубларининг асосий масалаларига қаратилган бўлса-да, ўзгармас қонун-қоидалар мажмуасидан иборат, деган хулосадан йироқмиз.

Мазкўр қўлланма рақс ижро этишни ўргатиш ва ҳаваскорлик рақс жамоаси билан ишлаш услублари мажмуасини яратиш йўлидаги биринчи ишлардан бўлганлиги сабабли айрим камчиликлардан ҳоли бўлмаслиги мумкин. Шу туфайли қўлланма ҳақидаги барча танқидий фикр ва мулоҳазаларни муаллиф миннатдорчилик билан қабул қилади. Ушбу қўлланма ўзбек халқ рақсларини ижро этишни ўргатиш ва ўрганиш, ҳаваскорлик рақс жамоасини ташкил қилиш иши билан шуғулланаётганлар учун фойдали бўлади, деган умиддамиз.

I БОБ

"РАҚС БАДИИЙ ЖАМОАСИ БИЛАН ИШЛАШ УСЛУБЛАРИ" ФАНИ БИЛАН ТАНИШИШ

Жамиятнинг моддий ва маънавий маданияти ортиб боргани сари ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш ишига ҳам тобора жиддийроқ ва масъулият билан ёндошиш талаб этилмоқда.

Ўзбек маданияти тараққиётида рақс санъати ҳамиша салмоқли ўрин эгаллаб келган. У ҳамиша ўсишда, изланишда, ҳаракатда бўлган ва бундан кейин ҳам шундай бўлаверади.

Ўзбек халқи рақсни севади. Санъатнинг айнан мана шундай шаклида халқ характери очилади.

Сўнгги йилларда фаровон ва озод ҳаётимизни, бахтиёр ёшликни, чин севги, садоқат ва хушчақчақликни тараннум этувчи замонавий, дилбар рақслар, авлод - аجدодларимизнинг ҳаёти, урф-одатларини яна янги авлодга етказиб бераётган-фолклор рақслари кўпайди. Уларда замонавийлик билан бирга миллий руҳ ҳамоҳанг ифодаланиши рақс санъатининг ютуқларидан дейиш мумкин.

Рақс санъати соҳасида йилдан-йилга илмий билимларнинг тўпланиб бориши, таълим мақсади, мазмунини ва услубларини илмий асослаш заминида маданиятшуносликнинг муҳим тармоғи "Бадиий жамоа билан ишлаш услублари"ни яратиш зарурати туғилади.

"Рақс жамоаси билан ишлаш услублари" фани рақс ўргатишнинг умумий қонуниятларини, айрим хусусиятларини, ҳаваскорлик рақс жамоаларини ташкил қилиш ишларини ўргатадиган фандир.

Ушбу қўлланма икки бобдан иборат:

Биринчи бобда "Рақс бадиий жамоаларини ташкил қилиш жараёнлари", "Бадиий-оммавий тадбирларни

ташкил килиш", "Хаваскорликракр жамоаси - халқ бадий ижодиётининг бир бўлаги", "Балетмейстерни тарбиялашнинг асосий принциплари" каби мавзуларни ўз ичига олган,

Иккинчи боб рақс бадий жамоаси билан ишлашда ўргатиш услубининг умумий масалалари ва вазифалари, рақс ижро этишни ўргатиш услублари, хужжат ишлари билан таништириш ва бошқа мавзуларни қамраб олган.

1-МАВЗУ. ХОРЕОГРАФИЯ - САНЪАТ СОҲАСИ СИФАТИДА

"Хореография — узи нима?

Бу сўз замирида нима ётибди?

Купчилик хореографияни рақс деб тушунади.

Лекин хореография сўзи кенг маънони ўз ичига олади. У грекча сўздан олинган булиб, "Рақсни ёзаман" деган маънони билдиради. Кейинчалик рақс санъатидаги ҳамма нарса шу сўз билан атала бошланди. Хореография 3 бўлимдан иборат: халқ рақслари, профессионал рақс санъати (бунинг ичига классик балет ҳам киради) ҳамда замонавий рақс санъатини ўз ичига олади .

Рақс — бу санъат.

Ҳар бир санъат соҳаси эса ҳаётимизни бадий образ орқали ифода этиши керак. Рақс санъати — ижод руҳияти, ҳис-туйғулари, фикрини сузсиз, фақат ҳаракатлар ва юз ифодаси билан халққа етказишга асосланган санъат туридир.

Рақс — ўзингни куйга, оҳангга бахшида этиб, сеҳрлар дунёсига шўнғиб кетмоқ.

Кўнгилдаги бор-йўғингни кўзларга, ҳаракатларга жойлаб томошабинларга ҳайрат ато этмоқ.

Истакларингни бир даста гул шаклида томошабин ҳаяжонлари устидан сочмоқ, уларнинг олқишига муяссар бўлмоқ.

Бундай буюк туйғу ва мукамал рақс қобилияти ҳар бир раққосанинг юрагида бўлиши керак.

Рақс — инсоният пайдо бўлган илк даврлардаёқ туғилган. Жамиятнинг меҳнат жараёнларини, ҳайвонларнинг ҳаракатларини, афсонавий характердаги, ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги рақсларни ижро этиб юришган. Бунда табиат кучига таянганлар. Улар ўз фикрларини баён

эта олмай ялиниш, зарар етказиш, қарғаш, омадли ов бўлишини сўраб, ёмғир, қуёш, фарзанд ато этишини илтижо этганлар. Хозирги давргача дунёнинг баъзи бир жойларида, масалан, Африкада шундай рақслар сақланиб қолган. Саёҳатчилар, фольклоршунослар ёзиб қолдирганлари ўша даврдаги халқнинг яшаш тарзи, урф—одатлари, ақидалари ҳақида сўзлайди.

Ижтимоий ҳаётимиз тараққий этгани сари бошқа санъат соҳалари каби рақс санъати ҳам кундан-кунга бойиб, унинг характери, мавзулари ўзгариб бори. Меҳнат рақслари эса янгича талқинда, янги ҳаётий эҳтиёж сифатида, инсонларга руҳий мадад берувчи, қувонч ва роҳат бахш этувчи рақслар ижро этила бошланди. Масалан: ўзбекларда "Пахта", "Пилла", русларда "Ип йигирувчи", украинларда "Ҳосил байрами", молдованларда "Ўзум йиғими", корейсларда "Балиқчилар" ва ҳоказо рақслар шулар жумласидандир.

Рақс санъатининг мумтоз, лирик, қаҳрамонлик, ҳазил-мутуйиба, фолклор, меҳнат ва жуда кўп турдаги рақслари мавжудки, унда замонамизнинг яшаш тарзини аниқ, ҳамда равшан ифодалаб беради.

Ўзбек саҳна рақс санъатининг пайдо бўлишида, унинг раванқ, топишида, гуллаб-яшнаб, бутун дунёга кўз-кўз қилишига ўз ҳиссасини қўшган, рақс санъатимизнинг буюк даҳолари бўлмиш Тамарахоним, Уста Олим Комилов, Мукаррама Турғунбоева, Юсуфжон Қизиқ Шакаржонов, Исохор Оқилов, Розия Каримова ва уларнинг шогирдларини эслаб ўтиш жоиздир. Улар ўзбек халқ рақс санъатининг ҳақиқий жонкуярлари ва фидойилари бўлганлар. Уларнинг қилган машаққатли меҳнатлари ўзбек рақс санъатининг бебаҳо бойлиги ҳисобланади. Ушбу бойликни асраб-авайлаш, келажак авлодга етказиш иши балетмейстерларнинг ихтиёридадир.

Ўзбек рақс санъатининг мерос рақслари мажмуасига кирган "Муножот", "Роҳат", "Тановар", "Пилла", "Пахта", "Катта ўйин" ва бошқа рақсларни бирон-бир жойини ўзгартиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ушбу рақсларни бузмасдан, ортиқча элементлар қўшмасдан бутунлигича ўргатиш керак. Акс ҳолда услублар аралашиб, ўзбек миллий рақс санъатининг кўп қиррали бойлигига катта путур етказди.

2-МАВЗУ. ҲАВАСКОРЛИК РАҚС ЖАМОАСИ – ХАЛҚ БАДИЙ ИЖОДИЁТИНИНГ БИР БЎЛАГИ

Ўзбек халқ рақс санъати узоқ тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтди. Ижодкор халқимиз томонидан йиллар оша яратилган рақслар ўзбек санъатининг ноёб дурдоналари саналиб келяпти. Ўзбек рақс даҳолари яратган ғоявий-бадий жиҳатдан юксак рақслар халқимизни асрлар давомида инсонпарварлик, она-Ватанга муҳаббат, жасорат, фидокорлик, кўрашувчанлик, гўзал хулқ руҳида тарбиялаб келди. Мана шу хусусиятлар баркамол инсоннинг фазилатларидир. Янги инсонни вояга етказиш, халқ орасида ҳақиқий инсонийлик муносабатларини шакллантиришда ўзбек халқининг мероси бўлган мумтоз рақслар бугунги кунда муҳим эстетик тарбия воситаси сифатида хизмат қиляпти. Инсоннинг эстетик фаоллиги унинг онги, билими ва бадий дидига бевосита боғлиқ.. Кишининг бадий диди ва билими қанчалик юқори бўлса, инсон фаолияти шунчалик сермазмун, ғоявий жиҳатдан юксак, маданиятли бўлади.

Санъат инсонга бутун ҳаёти давомида йўлдошдир. У инсон ҳиссиётига ва онгига ижобий таъсир кўрсатади, фикр-хаёлини банд этиб, эзгуликка, жасоратга, фидокорона меҳнатга даъват этади. Зеро, санъат ижтимоий онг ва инсон фаолиятининг ўзига хос формаси бўлиб, бу форма орқали воқеликни бадий акс эттиради, у дунёни эстетик ўзлаштиришнинг энг муҳим усулларида биридир.

Кишилиқ жамияти тарққиёти давомида санъат турлари: адабиёт, рассомчилик, халқ амалий санъати, ҳайкалтарошлик, кўшиқ, кино, театр, мусиқа ва ҳоказолар вужудга келди.

Санъатнинг ана шу турларидан бири рақс санъатидир.

Рақс санъати кишиларни гўзаллик ва нафосат оламига етаклайди, ёш авлоднинг маънавий дунёсини ҳар томонлама бойитади, такомиллаштиради, олижаноб фазилатларни такомиллаштиришга кўмак беради.

Рақс — инсон ороми, завқ-шавқидир.

Давлатимиз инсон бахт-саодати йўлида ҳамиша ғамхўрлик қилиб, унинг ҳар томонлама камолотга эришишида барча имкониятларни яратиб бермоқда, ҳар

бир кишининг шахсий қобилиятларини тўла чиқариш, барча меҳнат аҳлини эстетик тарбиялаш, халқ оммасида бадий дид ва маданий шакллантириш борасида тинмай ғамхўрлик кўрсатмоқда.

Бу борада рақс санъати муҳим рол уйнайди. Шунинг учун ҳам республикамизда халқ бадий ижодиётининг энг оммавий турларидан бири бўлган рақс санъати кенг доирада ривож топмоқда.

Шаҳар ва қишлоқлардаги маданият саройлари, маданият уйлари, жамоа хўжаликларида жойлашган корхона ташкилотларда, ўқув юртларидаги ва бошқа даргоҳлардаги тўғарақлар ўз бағрига талай талантларни олиб, фаолият кўрсатиб келяпти.

Ҳаваскорлик рақс жамоаси - халқ ижодиётининг ажралмас бир бўлагидир. Унда халқнинг меҳнат фаолияти, ижтимоий-маиший ҳаёти, турмуш, табиат тўғрисидаги тушунчалари, маданияти, эътиқоди, орзу-истақлари поэтик фантазияси, ҳистуйғулари ва тафаккурининг бой олами, бахтли ва адолатли замон ҳақидаги ўйлари ўз ифодасини топади.

Халқ ижодининг дурдоналари меҳнаткаш омманинг қобилиятли вакиллари томонидан ижод этилади, оғиздан-оғизга кўчиб, устозлар шоғирдларга ўргатадилар, шу тариқа унинг бойиб боришига ўз ҳиссаларини қўшадилар, такомиллаштирадилар, бошқа вариантларини яратадилар.

Шундай қилиб, Халқ ижодининг яхши намуналари ўлмас анъанага, маданий ва маънавий бойликларига айланади.

Ҳозирги кунга келиб, мустақиллик шарофати билан барча тадбирларда, айниқса "Мустақиллик", "Наврўз" байрамлари тантаналарида халқ ижодининг намуналаридан фойдаланишга, уларни бутун дунёга кўз-кўз қилишга кенг йўл очиб берилди. Йилдан-йилга ҳар бир вилоят ўзининг бир-бирига ўхшамас, такрорланмас рақслари халқимиз ва мўтахассисларда қизиқиш уйғотмоқда.

3-МАВЗУ. БАЛЕТМЕЙСТЕР ТАРБИЯЛАШНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

"Рақс бадий жамоаси билан ишлаш услублари" фани ёш балетмейстерлар-ҳаваскор рақс жамоаси раҳбарлари ва

рақс сахналаштирувчиларга тарбия берувчи ягона ва махсус фандир.

Балетмейстер — жамоанинг бадиий раҳбари ҳисобланади. У жамоа бадиий ҳаёти эстетик йўналишларининг кўрсаткичи ҳисобланади. Жамоанинг интилишлари, қизиқишлари ижодий йўналишлари балетмейстернинг дунёқарашига боғлиқ.

Замон талаби билан балетмейстер чуқур билимли, юксак маданиятли, касбий маҳоратли, ўз замонасининг илғор кишиси сифатларига эга бўлиши керак. Олий ўқув юртлари, ўрта - бўғин тизимидаги таълим муассасалари балетмейстерларда шу хислатларни тарбиялашга интиляпти.

Бўлажак балетмейстер қуйидагиларни мукаммал ўрганиши керак:

1. Хореография соҳасини (классик рақс, халқ рақслари, тарихий, замонавий рақслар, дуэт, мерос рақслари)

2. Мусиқа соҳасини (мусикадраматургияси, сольфеджио, мусиқа назарияси)

3. Режиссёр-сахналаштирувчи соҳани (актёрлик маҳорати, грим, либос танлаш, сахна безатиш).

Хореографик образларни фикрлаш қобилияти билан балетмейстер драма, опера драматурги ҳамда режиссёрдан фарқ қилиб туради. Образни излаб топиш, яратишда, мусиқа билан рақс ҳаракатларининг бир-бирига мос тушишида, фикрни томошабинга етказа олиш ишида балетмейстер психолог ва педагогик хислатларга эга бўлиш керак.

Рақс драматургияси яратишда, уни хореографик композиция ва пластик образлар билан безашда режиссёр каби хислатларини ишга солиши керак. Бошқача айтганда, балетмейстер - хореографик драманинг ёки композициянинг автори, режиссёр - сахналаштирувчиси ҳисобланади.

Қуйидагилар балетмейстернинг асосий вазифасига киради:

Санъатнинг барча соҳалари, айниқса рақс санъатининг барча терминлари, асосий категорияларидан хабардор бўлиши керак;

— Рақс санъатидаги энг илғор иш услубларидан хабардор бўлиши ва ўз иш фаолияти давомида ундан унумли фойдаланиши керак;

— Хореографик сахна ёки алоҳида рақсларнинг матнини яратиш услубларидан, драматургия қонуниятларидан хабардор бўлиши керак:

- Балетмейстерлар назарий ва амалий томондан чуқур билимга эга бўлишлари керак, жумладан:

- 1) Санъат соҳаси ва унинг турлари;
- 2) Рақс санъати жанрлари ва уларнинг фарқи;
- 3) Рақс санъатининг бошқа санъат турларидан фарқи;
- 4) Халқ рақслари-профессional рақс санъатининг қайнар булоғи сифатида;
- 5) Балетмейстер ва унинг ижодий фаолияти;
- 6) Балетмейстер-хореография жамоасининг илғор етакчиси сифатида;
- 7) Рақс сахналаштиришда қобилият, салоҳият ва бошқалар.

Назарий ва амалий билим олиш параллел олиб борилади.

Бу барча вазифаларни бажариш балетмейстернинг ўз кучи ва интилишлари билан амалга оширилади.

Ўргатиладиган фан қай даражада ўзлаштирилганлигига қараб баҳо берилади ва кейинги ўқиш ёки иш фаолиятига йўлланма берилади, йўл-йуриқ кўрсатилади.

Балетмейстер ижодий фаолият билан чегараланиб қолмаслиги керак. Балетмейстер - давлат ва жамият ижтимоий ҳаётида алоҳида ўрин тутиши шарт.

4-МАВЗУ. РАҚС БАДИЙ ЖАМОАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЖАРАЁНЛАРИ

Маълумки, ҳар бир ишни самарали бажариш учун, аввало у ҳақдаги назарий билимларни мустаҳкам эгаллаш лозим. Билимнинг барча соҳалари илмий асос ёки назариясиз ривожлана олмайди. Назария ҳаёт ҳодисалари, инсон тажрибаси, амалий фаолият ҳақидаги билимларни йиғади, умумлаштиради, мантиқий изчил бир системага солади. Назариянинг асосий вазифаларидан бири кишилар билимини бойитиб ва чуқурлаштириб боришдир.

Назария амалиёт билан бевосита боғлиқдир; биринчидан, назария амалий иш-тажрибани умумлаштириш асосида ривожланади ва бойийди.

Иккинчидан эса, у инсон ҳаёти тақозо этган, талаб қилинган масалалар, муаммолар асосида амалиётни ривожлантириш йўллари ва чораларини кўрсатиб беради. Назария амалиёт билан қанчалик чамбарчас боғлиқ бўлса, назария ҳам, амалиёт ҳам шунчалик тараққий этади.

Ҳозирги даврда бадиий жамоаларни ташкил этиш ҳақида мукаммал фан вужудга келган, деб айта олмаймиз. У эндигина шаклланимоқда.

Бундан келиб чиқиб шуни айтиш керакки, бадиий жамоаларнинг бир тури, яъни рақс бадиий жамоаларини ташкил этиш ҳақида ҳам ҳеч қандай қўлланма мавжуд эмас. Лекин унинг назарияси ва илмий-услубий асослари ҳақида гапириш вақти аллақачон келган. Чунки бадиий жамоаларни ташкил этиш назариясини шакиллантирадиган асослар, яъни унинг моҳияти, ҳаётда тутган ўрни, принциплари, вазифалари, ўзига хос хусусиятлари ва уларни ташкил қилиш қонун-қоидалари ҳақидаги билимлар мавжуд. Ўша билимларни ўзлаштириш учун маданий-маърифий ишлар ва унинг назариясига мурожаат қилмоқ лозим. Чунки бадиий жамоалар, жумладан рақс бадиий жамоаси маданий-маърифий ишнинг асосий бўлагидан биридир. Унинг назарияси ҳам маданий-маърифий ишнинг назарияси асосида вужудга келади. Шу сабабли маданий-маърифий ишнинг моҳияти, мақсади, ички тузилиши, бошқа фанлар ва турмуш билан алоқасини билмасдан туриб, бадиий жамоаларни ташкил қилиш назариясини тўлиқ ўзлаштириш қийин.

Учинчидан, бадиий ҳаваскорлик жамоаларини ташкил қилишнинг услубларини ўзлаштириш керак. Сўнгра эса услублардан фойдаланиб амалий ишга киришиш мумкин.

Мазкўр 3 жараёнсиз "Рақс бадиий жамоаси" ни ташкил этиш мумкин эмас.

Бадиий жамоани ташкил қилиш назарияси шу соҳага хос қонуният ва вазифалар асосида ҳосил бўлади. Бу назарияни ўрганиш бадиий жамоани ташкил қилишдаги биринчи жараёндир.

Услублар эса асосан, назарий ва амалий иш бирлашган жойда ташкил топади. Назарий ва амалий тажрибанинг бирлашиши натижасида иш шакллари ташкил қилишда фойдаланиладиган йўл ва усуллар вужудга келади.

Услугларни ўрганиш ва ўзлаштириш бадий рақс жамоасини ташкил қилишдаги иккинчи жараёндир.

Бадий рақс жамоасини амалий ташкил қилиш назарий ва услубий асосда конкрет иш шакллари ижодий уюштиришдир. Амалий ишга киришиш учинчи жараёндир.

Шундай қилиб, рақс бадий жамоасини ташкил қилишга эришиш юқорида санаб- ўтилган уч асосий жараённи ўз ичига олади.

5-МАВЗУ. БАДИЙ-ОММАВИЙ ТАДБИРЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА РАҚС БАДИЙ ЖАМОАЛАРИНИНГ ЎРНИ

Маданий-маърифий муассасалар халқнинг ижтимоий— маданий ҳаётида меҳнаткашларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилишда муҳим ўрин эгаллайди.

Улар шахснинг ҳар томонлама ривожланиши ва ижтимоий-маданий активлигини ошириш жараенини ўзига хос вазифалар, яъни узлуксиз таълим бериш, ҳаваскорлик ижодига жалб қилиш ва мазмунли дам олиш, ҳордиқ чиқаришини уюштириш орқали олиб боради.

Маданий-маърифий ишлар энг аввало, маданий-маърифий муассасалар - маданият уйлари, маданият саройлари, клуб, истироҳат боғлари, кутубхона, музей ҳамда маданий комплексларнинг фаолиятларидир.

Маданий-маърифий муассасалар ўз фаолиятини кишиларнинг ишдан бўш вақтларида олиб боради, кишиларга асосий ишдан ташқари ҳар хил мазмундаги ва шаклдаги "иккинчи" фаолият билан шуғулланишларига имконият яратади. Бу фаолият кишиларнинг ҳордиқ чиқаришига, билимини, дунёқарашини ўстиришга, ижодкорлигини оширишга қаратилган бўлиб, улар ўз навбатида жамиятдаги асосий иш фаолияти билан яхшироқ шуғулланишга самарали ёрдам беради.

Маданий-маърифий фаолият кўп қиррали ижтимоий-маданий жараён бўлганлиги сабабли у ҳаётнинг деярли барча соҳалари билан боғлиқ..

Биринчидан, кишиларнинг меҳнат фаолияти ва бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш дам олиш, ишлаб чиқаришда яхши натижаларга эришишлари учун ёрдам беради. Меҳнатда қўлга киритилган ғалабаларни

нишонлайди, илғор иш тажрибаларни омма орасида тарғиб қилади.

Иккинчидан, у халқ маданиятининг таркибий қисмидир. Халқ инсоният яратган энг яхши анъаналарни сақлайди, ривожлантиради, тарғиб қилади ва келажак авлодга етказиб беради. Халқнинг маданий қиёфасини — хулқ-атвори, одоби ва ахлоқининг шаклланишида қулайликлар яратади.

Учинчидан, у санъат билан боғлиқдир. У халқ санъатини тарғиб қилади, оммани ранг-баранг бадиий ҳаваскорлик фаолиятига жалб этади, уларнинг ижодкорлик қобилиятини ривожлантиради.

Бадиий-оммавий тадбирлар маданий-маърифий ишларни ташкил қилишдаги кенг тарқалган шаклдир.

Бадиий-оммавий тадбирларнинг ҳар бир шакли, яъни оммавий байрамлар, анъанавий маросимлар, театрлаштирилган томошалар, ҳар хил мавзудаги кечаларга мурожаат этсак, уларда ҳаваскорлик ижодининг натижаларини, бадиий эстетик завқланиш ва ҳордиқ чиқариш учун яратилган қулайликларни яққол кўриш мумкин.

Бадиий-оммавий тадбирлар, албатта, ҳаваскорлик ижодисиз вужудга келмайди. Тадбир тайёрлашда қатнашадиган барча кишиларнинг фаолияти, бу сўзсиз, бадиий ижоднинг бир кўриншидир.

Халқ ижоди замонавий санъатнинг битмас-туганмас чашмаси ҳисобланади. Халқ ижоди оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга, устоздан-шоғирдга ўтиб, тобора сайқаллашиб, такомиллашиб, тараққий этган ижод маҳсулидир.

Ўзбек халқида рақс санъати ашула ва мусиқа билан чамбарчас боғланиб кетган ва шу анъана ҳозиргача давом этмоқда. Ҳозирги кунда республикаимиз бадиий ҳаваскорлик ижодининг энг ривожланган жанри — бу ашула ва рақс ансамбллари дир. Халқ рақс санъатидан восита сифатида ҳозирги кунда кўплаб тадбирларда фойдаланилмоқда. Айниқса, халқ рақс анъанасининг муҳим хусусиятларидан бири бўлмиш — сюжетли рақслардан фойдаланишга жиддий эътибор берилмоқда. Чунки сюжетли рақс оммавий тадбирлардаги эпизодларни бир-бирига яхши боғлаб юбориш табиийдир.

Бадиий-оммавий тадбирларда жойлардаги қадимдан мавжуд бўлган маросим рақсларидан фойдаланиш ҳам яхши самара беради. Маросим ва байрамларда сюжетли рақслар, фольклор жанридаги халқ рақслари зўр қизиқиш билан томоша қилинади. Ушбу рақсларда урф-одатлар, анъаналар, қадриятларимиз акс эттирилади.

Бадиий-оммавий тадбирларда рақс санъатининг ўрни каттадир. Чунки ҳар қандай зўр қўшиқ ҳам рақс санъати билан янада тўлдирилади, томошабинни зериктирмайди, эстетик дидини оширади. Қўшиқ ёки куйнинг мазмунини, образлар, ҳаракат орқали томошабинга таъсир этиб, етказиб беради. Ўтказилаётган тадбирларнинг мазмуни ва моҳиятини тўла очишга имкон беради.

II БОБ

РАҚС БАДИЙ ЖАМОАСИ БИЛАН ИШЛАШ УСЛУБЛАРИ

1-МАВЗУ. РАҚС БАДИЙ ЖАМОАСИ БИЛАН ИШЛАШДА ЎРГАТИШ УСЛУБИНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Мамлакатимизда маънавий баркамол инсонни тарбиялаш умумдавлат иши даражасига кўтарилган. Бу борада давлат дастурлари асосида кенг кўламда ишлар қилинмоқда.

Мустақил давлатимизнинг маънавий-маърифий ислохотларида санъат аҳлининг фаол иштироки ва ёшларни юртга содиқ, баркамол авлод қилиб тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади. Ана шундай маънавий етук кишиларни тарбиялашда рақс санъатининг роли бекиёсдир.

Республикаимизда рақс ижрочилигини янада юқори поғоналарга кўтаришда ўргатиш услубининг сифатли даражада бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимизнинг ўқув муассасалари олдига қўйилган вазифаларидан келиб чиқиб, рақс ижро этишни ўргатиш ишини 3 га бўлиш мумкин;

- 1.Таълим бериш;
- 2.Тарбиялаш;
- 3.Ривожлантириш;

Таълим бериш вазифаси асосий ва ҳал қилувчи масалалардан бири бўлиб, ҳаваскорлар рақс ижро этиш учун зарур бўлган барча билимларни эгаллайдилар ва шу билимларни амалда қўллаш кўникмаларини ҳосил қиладилар.

Тарбиялаш вазифаси таълим бериш, ривожлантириш вазифалари билан ўргатиш услубининг умумий жараёнига ҳар томонлама ёндашишнинг ажралмас қисмидир.

Тарбиялашнинг асосий мақсади дарс мазмунини ва ҳар хил услублари орқали ёш авлодни ўз жамиятини тўғри идрок этишни таъминлашдир.

Ривожлантиришнинг асосий мақсади шундан иборатки, ҳаваскорларнинг билимини англаб етиш имкониятларини ривожлантириб, турли илмий ахборотлардан тўғри хулоса чиқариб олишга ўргатишдир. Бу жараёнда ҳаваскорларни аста— секин ижодий фикрлашга ўргатиш иши ҳам амалга ошириб борилади.

Ўргатиш услубидаги бу учала вазифанинг асосий мақсади - ҳаваскор рақсосаларнинг илмий дунёқарашини, сиёсий ва маданий онгини шакллантириш учун хизмат қилади.

Бу услуб рақсни пухта эгаллаб, ижро этиш учун кўникмалар ҳосил килиш, уларни амалда қўллай олиш, эстетик дидини оширишга қаратилган.

Ижро этишни ўргатишнинг вазифаларини қискача шундай тушунтириш мумкин.

"Рақсни нима учун ва уни қандай ўргатиш керак?"

Рақс ўргатишнинг асосий вазифаси — раққосалик тажрибаларига таянган ҳолда амалга оширишдир. Рақс ўргатишнинг керакли услубларини қўллаш орқалигина ўз олдида қўйган вазифани ижобий ҳал этиш мумкин.

Ижрони ўргатиш жараёнида ҳаваскорларнинг ақлий ва ижодий қобилияти, унинг иродаси ҳамда камолоти учун зарур бўлган сифатлар ҳам ривожланиб боради.

Бу вазифаларни алоҳида, бир-биридан ажратилган ҳолда ҳал этиб бўлмайди. Уларнинг барчаси ўргатиш жараёнида бир-бирига боғлиқ ҳолда, комплекс тарзда амалга оширилади. Ижро этиш билимлари ва кўникмаларига асосланган ҳолда ҳаваскор раққосаларнинг дунёқараши шаклланади, мусиқавий тарбия вазифалари ҳал этилади.

2-МАВЗУ. РАҚС БАДИЙ ЖАМОАСИ БИЛАН ИШЛАШДА ИЖРО ЭТИШНИНГ ТАРБИЯВИЙ ВА ПРОФЕССИОНАЛ ВАЗИФАЛАРИ

Мустақил, эркин жамият қурилиши даврида ёш авлодни тарбиялаш алоҳида аҳамият касб этади. Тарбиялаш иши барча ўқув предметларини ўрганиш жараёнида амалга оширилиб, ўқувчиларда дунёқараш, юксак ахлоқий ва

эстетик онг, меҳнатга муносабат ва бошқа шунга ўхшаш сифатларни шакллантиришни назарда тутди. Дарс ўтиш жараёни маънавий тарбия ишини амалда қўллаш учун кенг имконият яратиб беради. Бу имкониятлардан бири якка ёки гуруҳли дарс ўтиш шаклида олиб боришдир. Унда жамоа раҳбари, балетмейстер ўзининг ҳаваскор раққосалари билан турли мазмундаги суҳбатлар ва фикр алмашинуви учун қулай фурсат туғилади. Айниқса, ҳаваскор билан якка дарс ўтиш усули балетмейстерга раққосанинг дунёқарашини, рақс ижро этишни ўзлаштиришининг даражасини тўғри аниқлаб, тарбиявий таъсир ўтказишга катта ёрдам беради. Рақс ижро этишни ўргатиш кўп машқни талаб этади. Бунинг учун раққоса дарсга мунтазам равишда қатнашса, ўрганиш ва ўзлаштириш фаолиятини маълум даражада тартибга солади. Рақс ижро этишни ўргатиш жараёни ўқувчиларни эстетик тарбиялаш иши билан чамбарчас боғлиқдир. Халқимизнинг бой мазмунга эга бўлган, маданий бойлигимизга айланган мумтоз рақслари ҳамда ҳозирги замонавий балетмейстерларнинг саҳналаштирган рақслари, фолклор жанрдаги халқ рақслари билан яқиндан танишиш эстетик тарбияни амалга оширишда катта аҳамиятга эга. Ҳаваскор раққосанинг эстетик қарашларини шакллантириш ишини машғулот мобайнида рақснинг бирор бўлагини таҳлил қилиб, ижро этиш мисолида ҳам кузатиш мумкин. Бунда раққосага ҳаракатнинг тузилиши ва жозибасини англаш тушунтириб борилади. Ижро этиш ҳаракатларини ўргатишни ҳам эстетик асосда олиб бориш керак. Масалан, рақс ҳаракатлари қўпол ва беўхшов эмас, балки нозик, майин ва чиройли бўлиши керак. Шундагина бу рақс ҳаракатлари рақснинг умумий кайфиятига мос тушиши, кўзланган мақсадга эришишда ижобий натижа бериши мумкин. Эстетик тарбия ишини амалга оширишнинг мавжуд бўлган шакллари билан яна бири етук раққосаларнинг ижроларини кўриб, томоша қилиб, унга нисбатан ўз фикрларини билдириб ўрганишдир.

Ўргатиш ишининг тарбиявий ва профессионал вазифаларини қуйидаги йўналишларда кўриш мумкин:

- ўргатишда эмоционал руҳнинг аҳамияти (мусиқа доимо тўлқинлантириши, хаяжонлантириши, қувонч бахш этиши, қизиқиш уйғотиши керак),

- ижро этиш учун керакли бўлган ҳаракатларни таккослай олиши, уларга баҳо бериши,

— ўз ижросини назорат қила олиши (рақс муסיқасининг характерини тўғри очиб бериши, хатоларини тузатиши),

- раққосаларнинг ижро этишдаги мустақиллигини ривожлантириш (рақсни мустақил таҳлил қилиб ижро этиш, нотаниш куйни эшитиб, сўнгра импровизация қилиб ижро эта олиш ва бошқалар), ижодий изланиш сифатларини ривожлантириш.

Агар эстетик муносабатлар аниқ кўрсатмалар асосида шакллантирилса, кейинги боскичларда раққосаларнинг олдида мустақил ишлаш ва ижодий кўникмаларни шакллантириш талаблари қўйиб борилади.

Эстетик муносабатни шакллантиришнинг яна муҳим шартимахсус бадий қобилиятни мунтазам ривожлантириб боришдир. Эстетик муносабатни ривожлантириш муסיқа ва рақс қобилиятларини ривожлантиришни тақозо этади:

- куйнинг йўналиши, усулини сеза билиш;

- раққоса ташки кўринишининг ва ҳаракатларининг муסיқа характерига мослиги;

- ижро этишга ижодий ёндашиш, юракдан, чуқур ҳис этиб ижро этиш;

- бошқа раққосаларнинг ижро этиш сифатларини тўғри баҳолай олиш ва ҳоказо.

Муסיқавий қобилиятнинг ривожланиши ҳамда эстетик диднинг ўсиб бориши умумий тарбиянинг асосий кўрсаткичларидан биридир. Тажрибадан шу нарса маълумки, машғулот пайтида раққосалар ўз тенгдошларининг ижроси билан танишиб, ижро пайтида йўл қўйилаётган хатоларни такрорламаслик ҳамда ижрога тўғри баҳо бериш чораларини кўришга имкон яратиш мақсадида, машғулотни индивидуал эмас, балки гуруҳли қилиб ўтказиш ҳам яхши самара беради.

Таълим ва тарбия жараёни тўғри ва аниқликни, тартиб-интизомни талаб этади. Бундан ташқари, рақс ижро этишни ўргатиш услублари тажрибасидан шу нарса маълумки, услубий жиҳатдан тўғри ташкил этилган машғулотлар раққосаларнинг онгига, сезги ва иродасига ижобий таъсир этибгина қолмай, ҳатто уларда маълум кайфият ҳосил этиб, кўзланган мақсадга эришишда, интизом, меҳнатсеварлик, ўз фаолиятига талабчанлик билан қараш каби сифатларни ҳам шакллантиради.

Тарбиянинг асоси — бу биринчи навбатда, балетмейстернинг шахсига, унинг ахлоқий сифатларига ва шунингдек, билимига ҳам боғлиқдир. Раққосалар ижобий сифатларини ўз балетмейстерларидан ўрганадилар. Шу сабабли балетмейстер ўзига нисбатан ўта талабчан, интизомли ва билимдон бўлмоғи керак.

Шундай қилиб, рақс ижро этишни ўргатишда фақат кўникмалар ўзлаштирилибгина қолмай, балки тарбиявий вазифалар, жумладан дунёқараш, ахлоқий сифатлар, билим олиш қобилиятлари ривожлантирилади. Демак, ижрони ўргатиш иши тарбиявий характерга эга. Ўргатиш ва тарбиялаш ишларининг конуний бирлигини ҳар бир балетмейстер қўллаши зарур. Ўргатиш ва тарбиялаш ишининг бирлиги чин инсон шахсини шакллантиришда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

3-МАВЗУ. ИЖРО ЭТИШ ТАЪЛИМИДА БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ

Ижро бўйича таълим бериш жараёнида балетмейстернинг асосий вазифаси ҳаваскор раққосаларга ижро учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни ўргатишдир. Бу вазифани муваффақиятли ҳал этишда машғулоти тўғри ташкил этиш ва олиб бориш, турли билимларни ўзлаштириш, керакли кўникмаларни шакллантириш хусусиятларини ҳамда қонуниятларни билиш раққоса учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўргатиш жараёни мазмунининг биринчи ва асосий омили — билимдир. Билимларни ўзлаштириш ўргатилаётган мавзуларнинг ёки фаннинг асосий белгиларини англатадиган маълумотларни ўзлаштириш деб тушунилади. Билимларни ўзлаштириш - маълум сўз, тушунча, фикрларнинг маъноси, моҳиятини англаб етиш ва уларни "ўзиники" қилиб олиб, доимо ёдда сақлаб қолишдир.

Ижро этишни ўргатиш жараёнида балетмейстер раққосаларнинг билимлари маълум даражада тўлиқ бўлишига эришиши лозим ва раққосаларнинг тўлақонли билимга эга бўлаётганлигини балетмейстер назорат қилиб бориши катта аҳамиятга эгадир. Баъзи ҳаваскор раққосалар машғулотларга тўлиқ қатнашмаслиги, эътиборсизлиги,

ҳафсаласизлиги сабабли бир-бирига боғлиқ бўлган рақс ҳаракатлари, ҳолатларини, узук-юлуқ маълумотларни ва қоидаларни юзаки ўзлаштиришлари оқибатида билимлар системасидан беҳабар бўлишади. Бу таълим беришдаги камчилик ҳисобланади. Билимларни ўзлаштиришда уларнинг маъносини чуқур англаш ва ҳар бир ҳаракатни қайси ҳолатдан бошлаб бажариш, қайси ҳолатда тугатиш, умуман олганда ижодий ёндашиш раққосалар билимларининг мустаҳкамлигини таъминлайди. Билимларнинг нақадар тўла ва чуқурлиги шу билимларининг раққосалар амалда қўллай олишлари орқали белгиланади.

Кўп марта такрорлаш натижасида беҳато бажариладиган ижро этиш ҳаракатлари кўникма дейилади. Кўникмалар билимларни амалда қўллаш жараёнида пайдо бўлади. Билим ва кўникмаларнинг шаклланиши, ривожланишига шахснинг туғма қобилияти ижобий таъсир этади, лекин бу қобилият ҳал этувчи аҳамиятга эга эмас. Шунинг учун кўникмалар ҳосил этиш жараёнини онгли равишда бошқариш муҳимдир. Ижро этиш кўникмалари рақс ижроси пайтида раққоса диққатини керакли йўналишга қаратиш имконини беради. Ўз характериға қараб кўникмалар 2 га бўлинади:

- онгли равишда амалға ошириладиган кўникмалар -рақс мусиқаси оҳангининг онгдаги умумий тасаввури, характери, тезлиги, қисмлар ва ҳоказо.

- жисмоний ҳаракатлар ёрдамида амалға ошириладиган кўникмалар — қўллар, панжалар, бармоқлар, гавда, бош, оёқларнинг ҳаракатлари.

Шуни айтиш керакки, ижро этишни ўрганиш жараёнида айрим ўқувчиларнинг назарий билимлари ва кўникмалари бир-бирига тўғри келмаслик ҳолатларини кўришимиз мумкин. Масалан, ўқувчи ёки раққоса ижро этишни амалий жиҳатдан бажара олса ҳам, назарий жиҳатдан уни тушунтириб бера олмайди. Назарий таълим албатта амалий кўникмалар билан биргаликда олиб борилиши зарур. Кўникма ҳосил этадиган машқларнинг самарали бўлиши учун қуйидагилар зарур:

- машқларнинг тўғри танланганлиги ва услубий жиҳатдан асосланганлиги;

- раққосанинг ўз фаолиятига онгли равишда муносабати, яъни унинг машғулотдан-машғулотга тобора яхши натижага эришишига интилиши;

- ҳаракатларнинг бажарилиши қоидаларига риоя қилиши;

- машқларни бажаришдаги имкониятларни ҳисобга олиши;

- эришилган натижаларни ҳисобга олиши;

- йўл қўйган хатоларнинг сабабини тўғри тушуниб, шу хатоларни бартараф этиши чораларини белгилаши;

- машқларни бажаришда раққоса ўз-ўзини назорат қила олиши.

Машқ ҳаракатларини бажаришда оддийдан мураккаб ҳаракатларга ўтиш тавсия этилади. Машқни мунтазам равишда такрорлаш ўз самарасини беради. Кўникма ҳосил бўлганидан сўнг, уни кўп вақт такрорламасдан ташлаб қўйилса, у хотирадан кўтарилиши мумкин. Шу сабабли маълум вақтгача машқни такрорлаб, унинг сифатини назорат қилиб бориш кўзланган натижани беради. Рақсни ижро этиш кўникмаларини чуқур ва мустаҳкам ўрганиш муваффақиятли ўзлаштиришнинг гаровидир.

Машғулотнинг мунтазамлиги ижро маҳоратининг ривожланишида асосий омиллардан бири бўлиб қолади.

4-МАВЗУ. ДАРСНИНГ ТУЗИЛИШИ. БИЛИМНИ ТЕКШИРИШ ВА БАҲОЛАШ

Рақс ижро этишни ўргатиш бўйича машғулотларни ташкил этишнинг асосий шакли профессионал ансамблларда ҳам, ҳаваскорлик ансамблларида ҳам оммавий тарзда ўтказилади.

Фақатгина ижрочилар ичида яққол кўзга ташланиб турадиган, ҳақиқий қобилиятли раққосага яқка рақс саҳналаштириш мақсадида ёки аксинча, шу гуруҳ ижрочилари ичида ўзлаштира олмаётганларнинг устида кучайтирилган машғулот ўтказиш мақсадида яқка машғулотлар ўтказилади.

Ҳар бир машғулот мазмуни жиҳатдан тугалланган бўлиб, аниқ, мақсадга эришиш учун йўналтирилган бўлиши керак.

Машғулотга тайёргарлик кўриш жараёнида балетмейстер машғулотнинг бош мақсадини аниқлаб, уни ҳал этиш учун зарур услубларни танлайди.

Ўқув жараёнини режалаштириш ва ташкил этиш иши балетмейстер томонидан тўғри амалга ошира олинсагина, у раҳбарлик ролини бажара олади.

Машғулотнинг асосий белгиси — таълимда нималарга эришиш кераклигини кўрсатиб турувчи мақсад бўлиб, шунга асосан машғулотларни ўзига хос турларга бўлиш мумкин:

1. Янги ҳаракатни ўрганишга ва кўникмаларни ҳосил қилишга бағишланган машғулот.

2. Аввал ўтилган ҳаракатларни такрорлаш ва умумлаштириш машғулот.

3. Билим ва кўникмаларни назорат қилиш ва ҳисобга олиш.

4. Бир неча мақсадни ўз ичига олган аралаш машғулот.

Янги ҳаракатни ўргатишга қаратилган, кўникмаларни ҳосил этишга бағишланган машғулотнинг асосий мақсади, услуби-тушунтиришдир. Лекин машғулотнинг кириш қисмида раққосаларни янги ҳаракатни актив қабул қилиб олишларига тайёрлаш лозим. Бунинг учун аввал шу ҳаракатни балетмейстер ўзи ижро этиб, кўрсатиб беради. Шу ҳаракатни ижро этиш услублари, белгилари умумлаштирилиб, чуқур таҳлил қилиниб назарий хулоса ясалади.

Назарий хулоса шундан иборат бўлиши керакки, бунда ижро этилган ҳаракат ҳақида, уни ижро этиш учун керак бўлган муқомлар, безак беришлар, ҳаракат усули, ҳаракат йўналиши нимани ифодаляётгани ва ҳақозолар ҳақида бўлиши лозим. Хулосадан асосий мақсад шуки, ижрочи ижро этаётган ҳаракатни назарий жиҳатдан тўғри тушуниб, амалий талқин вазифасини тўлиқ ҳал эта олсин.

Шундай қилиб, янги ҳаракатни ўргатиш ва кўникмаларни ҳосил этишга қаратилган бу машғулот тури қуйидаги тартибда бўлиши керак:

а) Кириш қисми — ҳаракат ҳақида умумий маълумотни бериш, машғулотнинг мақсадини аниқлаш;

б) Кўникма ҳосил этишни назарий асослаш ва амалий ижро этиш;

в) Ўргатилган ҳаракатни таҳлил этиш ва хулоса чиқариш;

г) Ўргатилган ҳаракатни турли машқлар ёрдамида мустаҳкамлаш;

д) Уй вазифасини белгилаш.

Аввал ўтилган ҳаракатларни такрорлаш ва умумлаштириш машғулоти. Бу машғулот тури олинган билимлар ва кўникмаларни ўзгартириш жараёнининг элементи сифатида хизмат қилади.

Аввал ўтилган ҳаракатни навбатдагиси билан боғлаш учун такрорлаш қўлланилади, лекин бундай такрорлашдаги ҳаракатлар мажмуи кичик ҳажмда бўлиши керак. Масалан, янги рақсни ўргатиш жараёнини оладиган бўлсак, уни қисмларга ажратиб ўргатиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўша қисмлар тўлиқ ўзлаштирилгандан сўнг, уларни яхлит тарзда, тўхтамасдан ижро этиш вазифаси туради. Бунга эришишда ижрочи такрорлаш ва умумлаштириш ишларини бажаради. Рақсни яхлит тарзда ижро этишда мусиқавий фикрларнинг бошланиши ва тугашини, йўналиши ва авжини белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, рақс ижрочисидан рақснинг шакли, мазмуни тўғрисида аниқ тасаввур бўлиши керак. Бу турдаги машғулотда раққоса ижро этиш билан бирга, таҳлил эта олишига ҳам ўргатиб борилади. Бунинг учун айрим саволларга жавоб топиш, сўз орқали рақснинг умумий кайфияти, йўналишини баён эта олиш вазифалари қўйилади.

Балетмейстер танлаб олган ушбу машғулот шаклига қараб, такрорлаш ва умумлаштириш машғулоти тузилиши қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

а) Рақснинг умумий тузилиши тўғрисида суҳбат ва таҳлил;

б) Ижрочининг рақсни ижро этиши учун мураккаб қисмларни алоҳида кўриб чиқиши ва машқ қилиши;

в) Рақсни тўлиқлигича, яхлит ижро этиш;

г) Хулоса чиқариш ва уйга вазифа бериш.

Билимлар ва кўникмаларни назорат қилиш ҳамда ҳисобга олиш. Машғулотнинг бу тури балетмейстер томондан ҳар бир машғулот пайтида амалга оширилади. Бундай назорат раққосаларнинг ўзлаштириши даражасини, қўлланилаётган услубларнинг самарасини белгилаш зарур. Мунтазам равишда олиб бориладиган назорат раққосаларда бу

фаолияти учун жавобгарлик ҳиссини кучайтиради. Машғулотнинг бир тури бошқа машғулот турлари давомида амалга оширилиши билан бир қаторда, уни алоҳида машғулот тарзида ўтказиб туриш ҳам мақсадга мувофиқдир. Билимларни назорат қилиш ва ҳисобга олиш ишининг тугалланган кўриниши — текшириш бўлиб, у имтиҳон, синов ёки ҳисобот шаклида бўлиши мумкин. Бунда раққоса таълимнинг шу босқич учун белгиланган дастурини ижро этади ҳамда берилган саволлар асосида назарий билимларни оғзаки равишда баён этади. Текшириш вақтида ижрочи йўл қўйган хато ва камчиликларнинг сабабини тўғри аниқлаб, уларни бартараф этиш чораларини белгилаш балетмейстернинг асосий вазифасидир.

Бир неча мақсадни ўз ичига олган аралаш машғулот. Кўп ҳолларда бир машғулот давомида ўзининг мақсади жиҳатидан турлича бўлган бир неча вазифани бажариш лозим бўлади. Педагогика фанида бундай машғулот аралаш, яъни комбинациялашган машғулот деб юритилади.

Раққосанинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда бундай машғулотларни қуйидагича тузиш мумкин:

- а) Уй вазифасини текшириш ва такрорлаш;
- б) Янги ҳаракатни ўзлаштириш ва такрорлаш;
- в) Янги ҳаракатни ўзлаштириш даражасини текшириш;
- г) Уй вазифасини белгилаш.

Келтирилган ушбу 4 хил машғулот турларининг ҳаммаси ҳам кўрсатилган барча қисмларга эга бўлмаслиги мумкин.

Таълимнинг муайян босқичи талабларига биноан машғулот қисмлари маълум даражада балетмейстернинг хусусий услублари сабабли ўзгариб туриши мумкин. Шу билан бирга ҳар бир машғулот барча шароитда ҳам ўтилган ва бўлажак машғулотлар билан боғлиқ ҳолда олиб борилиши керак.

Билимларни текшириш ва баҳолаш балетмейстердан педагогик маҳоратнигина эмас, балки катта касбий сергакликни ҳам талаб этади.

Раққосаларнинг олган билимларини аниқлаб таҳлил қилиш, уларни текшириш ва баҳолаш таълим жараёнининг муҳим томони бўлиб, у таълим мазмунини ташкил этади.

Таълим жараёнида уларнинг билимларини шунчаки текшириб, баҳолаб қўя қолмасдан, уларнинг ижрочилик соҳасида эришган барча ютуқларини таҳлил қилиш зарур. Билимларни текшириш ва баҳолаш машғулоти давомида якка шаклда юқори талабчанлик ва уларга ёрдам бериш руҳида ўтиш керак. Балетмейстерга баҳоларни пасайтириб ёки ошириб қўйиш ҳуқуқи берилмаган, буни балетмейстер чуқур англаши зарур.

Билимли текширишнинг асосий қоидалари қуйидагича:

1.Текширишнинг якка шаклидан фойдаланиш.

2.Текширишнинг мунтазамлиги.

3.Ҳар тарафлама текшириш.

4.Текширишнинг объективлиги.

1.Бу таълим турида — раққосанинг ақлий ва жисмоний хусусиятлари билан боғлиқ.. Бир хил вазифани раққосалар ҳар хил куч ва вақт сарфлаб бажаради. Бир раққоса осонгина эришган натижага бошқа раққоса кўпроқ вақт ва куч сарф этиши керак бўлади. Шу боисдан ҳам балетмейстер ҳар бир раққосанинг ўзига хос хусусият ва қобилият даражасини билиши керак.

2.Текширишнинг мунтазамлиги таълим жараёнидаги камчиликлар ва ўзлаштира олмаслик сабабларини вақтида аниқлаб, уларни бартараф этиш учун имконият яратади. Камчиликларга эътиборсизлик қилиш мумкин эмас. Ижрони қийинлаштирадиган ва сифатини ёмонлаштирадиган барча сабабларни вақтида аниқлаб, уларни тезда бартараф этиш керак.

3. Текширишнинг ҳар тарафламалиги раққосанинг маҳоратини тўғри баҳолай олиш имкониятини берадиган турли услуб ва усулларни қўллашни тақозо этади.

Масалан: Текширишда раққосанинг ижросини томоша қилиш усули, зарурият туғилганда, огзаки савол — жавоб йўли билан текшириш, ижрочилик билан боғлиқ фанларни билиши ва бошқа сифатлари текширилади.

4.Ҳар бир раққосани ўта аниқлик билан баҳолаш керак. раққосанинг билимини баҳолашда йўл қўйилган хато унинг интилиши ва қизиқишига путур етказиши мумкин. Балетмейстер раққосанинг билимини баҳолаш жараёнида унинг билимини, ижрочилик сифатларини тўғри аниқлаши лозим. Бунда ижро этилган рақс асари шу раққоса учун

белгиланган дастурга мос тушиши керак. Ундан керагидан ортиқча ҳам, ёки кам даражада ҳам талаб қилинмаслиги керак.

Баҳолаш: рақс ижрочилигини ўрганиш ижро маҳоратининг сирларини эгаллашда асосий кўрсаткичдир. Баҳолаш - раққосанинг янги, мураккаброқ билим ва кўникмаларини ўзлаштириши учун қизиқиш ва интилишларини уйғота оладиган, руҳлантириш воситасидир.

Баҳолаш тарбиявий аҳамиятга ҳам эга. У раққосада ўз фаолиятига нисбатан жавобгарлик ҳиссини уйғота олади. Ўзининг билим ва кўникмаларини нима сабабдан бундай баҳоланганлигини ўзи тушуниб етиши шарт. Юқори қўйилган баҳо раққосанинг ютуқ ва камчиликларини тўғри таҳлил қилишига ҳалақит беради, паст баҳо эса раққосанинг ўз кучига ишонмаслик ҳиссини уйғотади, яхши ўқишга бўлган интилишини сусайтирди. Билимли бўлиш — билимни амалда қўллай олиш демакдир. Шу сабабли раққосанинг билимларини амалда қўллай олишини текшириб, баҳолаш зарур. Шундай билимгина раққосаларнинг пухта ва чуқур ўзлаштиришларида ёрдам бўлади.

5-МАВЗУ. ОЙЛИК ВА ЙИЛЛИК ИШ РЕЖАСИНИ ТУЗИШ

Ўқув режаси балетмейстернинг, таълим-тарбия муассасаларининг тасдиқланган давлат ҳужжати ҳисобланади. Ушбу режани тузишда тарбиянинг мақсад ва вазифалари шахсинг ҳар тарафлама, етук ва комил инсон сифатида ривожлантириш, тарбиялаш ғояси ва махсус фанлардан эришган ютуқлари асос қилиб олинган.

Ўқув режасига киритилган мавзулар, ҳаракатларнинг мураккаблиги, раққосаларнинг маълум босқичда ўзлаштира олиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда бўлиши ва бу мавзулар, ҳаракатлар мажмуи ҳаваскор раққосаларнинг асоси бўлиб хизмат қилиши керак. Ўқув режаси таълимнинг муайян босқичи ёки гуруҳи тузилишига мос тушиши ва унда ўтиладиган ҳаракатлар мажмуи микдори белгиланади. Бу рақсдаги ҳаракатлар ва рақслар ўқув йиллигининг

чорагига ёки ойларига бўлинади. Ўқув режасида ҳар бир ҳаракатлар мажмуаси ёки рақслар соатларининг умумий ва ҳар ҳафталик миқдори белгиланади.

Режанинг тузилишини балетмейстер пухта билиши, билим бериш системасида ўз фанининг ўрнини тушуна олиши - таълим босқичлари орасидаги изчиллик принципини амалга оширишда ёрдам беради.

Ойлик ва йиллик иш режаси шу фан мазмунини маълум система асосида изчиллик билан бўлим, мавзулар бўйича баён этади. Рақс санъатини ўргатиш ишини дастурсиз, режасиз, ҳисобга олмасдан туриб амалга ошириб бўлмайди. Дастур ёки режа тузиш ҳаваскор раққосанинг билим олишидаги ривожланиши тезлигини белгилаб беради, шу сабабдан ҳам режалаштириш ишига тарбияни бошқаришнинг бир усули сифатида қараш мумкин. Раққосаларга нимани, қачон ва қандай қўллаш керак, ўргатиш кераклигини аниқламасдан туриб, балетмейстерлик фаолиятини амалга ошириб бўлмайди. Ҳозирги пайтда ўзбек рақс ижроси таълимининг босқичига аталган ўқув дастурлари тегишли муассасаларда мавжуд. Улар олий рақс, маданият коллежларининг хореография бўлимларида тасдиқдан ўтган ва амалда фойдаланиб келинмоқда. Уларда ўзбек рақс ижрочилигини ўзлаштиришдаги керакли билим ва кўникмаларни ҳосил қилиш талаблари қўйилган.

Дастурда берилган бутун мавзу ва ҳаракатларни маълум вақт бўйича таксимланишига алоҳида эътибор берилиши керак. Якка раққосалар учун машғулотлар тузишнинг қатор ўзига хос хусусиятлари бор. Бу хусусиятлардан бири - унинг имконият ва қобилиятларини ҳисобга олиш. Якка ўқув режасини тузишга бундай ёндошиш дастур талаблари доирасида амалга оширилиши керак.

Умуман олганда эса, якка ва умумий иш режалари асосан икки қисмдан иборат бўлади. Биринчи қисмда ўзлаштириладиган ҳолатлар, ҳаракатлар, айланишлар, эгилишлар, билим ва кўникмалар кўрсатилса, иккинчи қисмда ижро этиладиган рақслар ва машқларнинг рўйхати берилади.

Ҳаваскор раққосаларнинг асосий машғулотларига киритилган ҳаракат ва ҳолатлар қуйидагилардан иборат:

1. Асосий ҳолатлар: бош, гавда, қўл, оёқ, ҳолатлари.
2. Бош, гавда, қўл ва оёқ учун машқлар.
3. Қўл ҳаракатлари.
4. Оёқ ҳаракатлари.
5. Елка ва бош ҳаракатлари.
6. Айланишлар ва эгилишлар.

Аста-секин иккинчи қисмдан жой олган, ижро этиладиган рақсларга ўтилади.

Улар вальслар, яллалар, лирик рақслар, ҳазил-мутойибали, сюжетли рақслар, фолклор рақслар, рақс-сюжетлардир. Якка ижрочиларнинг қобилиятига қараб оммавий рақсларда алоҳида якка ижро этадиган ҳаракатлар берилади.

Якка лирик рақслардан : "Қиз нози", "Дил куйласин", "Роҳат", "Ором", "Тановор", "Муножот" рақслари ва бошқаларни киритиш мумкин. Шу билан бирга рақс ижро этишни ўргатиш жараёнида бу вазифаларни амалга оширишда керакли бўлган "Классик рақс" фанидан ҳам умумлаштириб олиб бориш яхши натижаларни беради, чунки бу фан рақснинг техник имкониятларини ривожлантиришда муҳим ўрин тутди.

(Иш режасининг кўриниши 53—54-бетлардаги иловаларда берилган.)

6-МАВЗУ. ИШ ҲИСОБОТИНИ ЁЗИШ ҚОИДАЛАРИ

Рақс жамоаларига тавсиф ёзиш

Ҳар бир ташкилот, муассаса ўз фаолиятини бошлаганда ўз дастури, иш режасига асосланиб ҳаракат қилади. Улар ўз фаолияти давомида маълум муддат ичида бажарилган ишлар ҳақида ҳисоботини ёзиб бориши лозим. Бу ҳисоботда дастур ёки режага киритилган барча вазифаларнинг бажарилганлиги ёки амалга ошмай қолган вазифаларнинг сабаблари, камчилик ва ютуқлар батафсил ёритилиши керак. Ҳисоботда ёзилган ҳар бир факт ўз исботига эга бўлиши керак. Берилган ҳисобот орқали ушбу ташкилот, идора муассасанинг иш жараёни ҳақида тўлиқ, маълумотга эга бўлиши ва керакли баҳо берилиши мумкин.

Ҳисоботда асосан 3 ойлик , 6 ойлик, 9 ойлик ва 1 йиллик иш фаолияти ёритилиши керак. Бадиий ҳаваскорлик

ракс жамоасини оладиган бўлсак, балетмейстер Маданият уйи бош йўриқчисига ўз ҳисоботини тайёрлайди. Ҳисоботнинг "Кириш" қисмида давлатимиз сиёсати, маданият соҳасидаги янгиликлар, янги чиққан қарорлар ҳақида сўз юритилиб, шу қарорларнинг амалда тадбиқ этилгани, фойдали томонлари ҳақида ёзилади. Асосий қисмда эса ҳаваскорлик рақс жамоасининг иш фаолияти, ўтказилган тадбирлари, қатнашчилар сони, қилинган ишлар ҳақида ёзилиши керак.

Агар Марказлашган Маданият уйидаги бадиий ҳаваскорлик жамоалари раҳбарлари ҳисобот ёзса, шу туманга қарашли қишлоқ клублари, маданият уйлари қошидаги рақс жамоалари, уларга кўрсатилган услубий ёрдамлар ҳақида батафсил ёритилиши керак. Ҳисоботда ўтказилган кўрик-танловлар, уларнинг қатнашчилари, совриндорларининг исми-шарифи берилиши лозим. Бу тадбирлар қайси ташкилот билан биргаликда ўтганлиги, ўтказилган жойи, ҳомийлар, асосий ташкилотчилари ҳақида ҳам маълумот берилиши керак.

Ҳисоботнинг охирида камчиликлар батафсил ёритилиб, муаммоларни бартараф этиш тўғрисидаги фикрлари ҳам ёритилиши мумкин. Бундан ташқари, йиллик ҳисоботга кейинги йил учун тасдиқланган йиллик иш режаси ҳам қўшиб топширилади.

Ҳар бир тузилган рақс жамоасига тавсифнома ушбу муассаса томонидан ёзилади. Тавсифнома бирон-бир концерт дастурини намойиш этиш учун йўлланма олишда, "Халқ ансамбли" унвонини олишда, гастролларга чиқишдан олдин тегишли ташкилотларга топшириш учун берилади.

Тавсифномада рақс жамоаси ҳақида тўлиқ маълумот келтирилади: ташкил этилган жой номи, ташкил этилган йили, ансамбл номи, раҳбарининг исми-шарифи, қатнашчиларнинг сони, ансамбл репертуари, конкурсларда қатнашганлиги, олинган ўрин ва мукофотлари, концерт берган жойлари, унвони (бўлса агар), унвон берилган вақти.

Айни вақтда рақс жамоасининг аҳволи ҳақда ёзилади. Раҳбарият томонидан ёзма фикри баён этилади.

7-МАВЗУ. РАҚС САНЪАТИ ҲАҚИДА

Рақс ансамбллари ва уларнинг фарқи

Рақс — кенг оммалашган, нафис ҳаракатлар ва маълум бир ритмик тузилишлар билан бадий образ яратишга асосланган санъат туридир. Рақсдаги бу ритмик ва пластик ҳаракатлар мусиқа билан чамбарчас боғлиқ ҳолатда давом этади. Рақс мусиқаси аниқ ўлчовга эга, рақсга жўр бўлиш мўлжалланган, аниқ, ритмга, характерга муносиб куйдир. Ҳар бир мусиқанинг характери, ритми турлича бўлади. Рақс мусиқасининг кўпчилиги чолғу тарзида бўлади. Халқ рақслари ашула билан ижро этилади. Рақс мусиқаси доира, урма созлар ёки қарсак чалиб туриб ҳам бажарилиши мумкин. Бундан ташқари карнай-сурнай, ноғора, доира, яллаларнинг рақсга мослари бор. Йирик мусиқа асарларининг айрим қисмлари ҳам рақсга монанд бўлиши мумкин. Бу сюита, цикли сюита шаклининг айрим қисмларидир. Рақс ансамбллари - 6 ва ундан кўп раққосалар гуруҳидир. Рақс ансамбллари ҳаваскорлик ва профессионал ансамбл турларига бўлинади. Бундан ташқари, шу турдаги "Ашула ва рақс ансамбллари" ҳам мавжуд.

Профессионал ансамбллар — рақс усталаридан тузилган бўлиб, рақс санъати бўйича махсус маълумотга эга бўлган раққос ва раққосалардан иборат бўлади ва улар бевосита шу соҳада хизмат қиладилар. Улар моддий томондан таъминланадилар, бирмунча ўз имтиёзларига эгадирлар ва ёшлари чегараланган ҳолда фаолият кўрсатадилар.

Ҳаваскорлик бадий жамоаларида ёши, касби, маълумоти чегараланмаган, рақс санъатига ҳаваси озроқ бўлса ҳам рақсга мойиллиги бўлган ҳаваскорлардан иборат бўлади.

Ҳаваскорлик рақс ансамбллари ўзларининг ҳуқуқий имтиёзларига қараб пулли ва бепул хизмат қилиш ҳуқуқига эга, лекин ҳаваскор раққосалар маош билан таъминланмайдилар. Ҳар иккала рақс ансамблларида ҳам репертуар шу ансамблнинг бадий раҳбари, балетмейстерлари томонидан танланади.

Профессионал ансамбл раққосалари - махсус комиссия кўригидан ўтадилар ва кадрлар бўлими

томонидан ишга қабул қилинадилар. Ҳаваскорлик рақс ансамблларида эса ҳаваскорлар балетмейстер кўригидан ўтишлари керак. Интилиш ва эслаб қилиш қобилиятлари синаб кўрилади. Ҳаваскорлик тўғараги ёки ансамблининг қатнашчиларининг мунтазамлиги факат балетмейстернинг маҳорати, ишга талабчанлиги, қизиқтира олиш қобилияти, ёза бошлаган ишини охиригача етказа олиши, уддабурон ва тадбиркорлиги, муомала маданияти каби хислатларига эга эканлигига боғлиқ бўлади.

Рақс ансамблларида қизиқиш ҳозирги кунда ортиб борапти. Чунки рақс санъати ахлоқий-эстетик тарбия беради, ташқи кўринишини кўркемлаштиради, маданий ҳаётни юксалтиришда алоҳида ўрин тутади.

Ҳаваскор раққосалар юксак даражадаги профессионал раққоса бўлиб етишмасалар-да, ижтимоий ҳаётимизда, мамлакатимизнинг ривожланиб, гуллаб-яшнашида, ижобий рол адо этадилар, етук инсонлар бўлиб етишадилар.

8-МАВЗУ. РАҚС БАДИЙ ЖАМОАЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Ҳар бир давлат муассасасининг ўзига хос бажарадиган иш доираси мавжуд бўлади. Шунингдек, маданий-маърифий муассасаларнинг ҳам ўзига хос фаолияти ва вазифалари бор. Рақс бадий жамоалари эса маданий-маърифий муассасаларнинг асосий соҳаларидан биридир. Уларнинг вазифалари ўзига хос тартибда ижобий ёндошилган ҳолда бажарилмоғи лозим.

Рақс бадий жамоалари ўз иши фаолиятида қуйидаги асосий вазифаларни бажаради:

—оммани ҳаваскорлик ижодига жалб қилиш, уларнинг маданий ижтимоий активлигини ошириш;

—оммавий, маданий — маърифий тадбирларда ўз репертуарлари билан қатнашиш;

- мумтоз рақслар, қадимдан мавжуд бўлган фольклор-маросим ва меҳнат рақсларини излаб топиш, тарғиб қилиш ҳамда ўзбек миллий рақсининг бойлиги бўлмиш буюк рақс билимдонлари, устозлар саҳналаштирган рақсларни асраш, келажак авлодга етказиш.

Рақс бадий жамоаси биринчи навбатда кишиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш, дам олишини

таъминлаш, маданий активлигини оширишда ёрдам беради. Маданий қиёфасини, яъни хулқ-атворини, одоб ва ахлоқини шакллантиришда қулайликлар яратади, ранг-баранг бадиий ҳаваскорлик фаолиятига жалб этади. Рақс бадиий жамоаси машаққатли меҳнати натижаларини оммага намойиш этиш билан биргаликда омманинг эстетик дидини оширишда, ҳаёт гўзалликларидан баҳраманд бўлишга, руҳиятини кўтаришга ёрдам беради. Ҳаётни маънавий мазмуни билан бойитади, бадиий жиҳатдан безайди. Ҳар бир ижро этилган рақс мазмунида мана шундай жиҳатлар акс этади.

Рақс бадиий санъати жамоалари халқ санъатини сахнада тарғиб қилиш билан бир қаторда, мумтоз рақсларимиз, халқ турмуш тарзи, ахлоқ-одоби, ҳаёси, урф-одатларини акс эттирган фолклор рақсларимиз, буюк рақс билимдонлари, дарғалари сахналаштирган мерос рақсларни асраб-авайлаш, келажак авлодга тўла-текис етказиш ишини ҳам ўз бурчи деб тан оладилар. Урф-одатлар, маросимлар, байрамлар, кўп минг киши иштирокида ўтадиган сиёсий-оммавий тадбирларга, "Наврўз", "Мустақиллик байрами" тантаналарини мисол сифатида кўрсатиш мумкин. Шу боис уларнинг тарбиявий таъсири жуда кучли самараси бениҳоя каттадир. Ана шундай тадбирларда одамлар ўзига маънавий озуқа оладилар, янги фикр, янги ғоя билан яхши кайфият, ҳордиқ чиқариб янги иш кунини бошлайдилар. Урф-одатлар, маросимлар, байрамларнинг ҳамма жойда сермазмун, ранг-баранг, таъсирчан ўтишига эришиш керак. Бунда санъат турларидан, айниқса, кўшиқ, мусиқа ва рақс санъатидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Бу барча вазифаларни амалга ошириш жойлардаги балетмейстерларга боғлиқ. Балетмейстерларнинг зукколиги, билимлилиги, меҳнаткашлиги, ўз касбининг фидоийлиги, ишбилармон ва тадбиркорлиги ушбу вазифаларни бажаришда яхши самара беради.

9-МАВЗУ. БАДИЙ ЖАМОАНИ ТУЗИШ

Қайси муассасага қарашли бўлмасин, ташкил этиладиган тўгарак ёки ҳаваскорлик рақс ансамблига, одатда, санъатга қизиққан, рақсга тушишни истаган барча ҳаваскорлар жалб

этилиши мумкин. Бу ҳаваскорлик рақс ансамбли ҳаваскорларини шу соҳа бўйича ижрочилик маҳоратини, санъатга бўлган қобилиятини ўстириш, малака ва иқтидорларини ўстириш имкониятларини беради.

Аввало, ҳаваскорлик бадий жамоага уни ташкил қилиш мақсадида санъатнинг бирор турини эгаллаган, шу соҳада мустақил иш қила оладиган, олий маълумотли кадрлар жалб этилади. Чунки қисқа муддат ичида бирор дастур тайёрлаб концертда иштирок этиш кўзда тутилади. Шундай талабларга жавоб бера оладиган кадрнинг истеъдоди машғулотларда сўзсиз ривожланиб боради. Ҳаваскорлик рақс жамоасини ташкил қилишдаги биринчи ишни қуйидагилардан бошлаш керак:

Аввало бадий жамоа ташкил қилиниши керак бўлган ташкилот ёки муассаса раҳбари, касаба уюшма раиси, "Камолот" ижтимоий ёшлар ҳаракати сардори, маданий-маърифий ишлар бўйича раҳбар муовини билан ўзаро келишиб олинади. Чунки барча шарт-шароитларни амалга оширишда уларнинг ёрдами керак бўлади. Мавжуд аудиторияни ўрганиб, уларнинг қизиқишлари, иш шароитлари кўздан кечирилади. Машғулот ўтказиладиган жой ҳал қилинганидан сўнг эълон ёзилади, чунки эълонда тўғарак машғулоти қайси бинода, қайси кун ва қайси соатда ўтказилиши аниқ, кўрсатилади, шунингдек, ҳаваскорларни қабул қилиш вақти ва жойи ҳам аниқ, кўрсатилиши керак. Эълонда тўғарак раҳбарлари номи кўрсатилади. Машғулот ўтказиш учун ёрдамчи техник воситалар (магнитофон ёки жўрчилар, яъни доирачи ва рубоб созини чалувчи) созандалар билан таъминланишлари керак.

Тўғаракка қатнашиш ниятида келган ҳаваскорларни қабул қилишдан олдин унинг асосий хусусиятлари ҳисобга олинади.

- Ҳаваскорнинг рақсга бўлган қизиқиши, эшитиш қобилияти, хотираси синаб кўрилади;

- Ҳаваскорларни гуруҳларга бўлиш: мактаб ўқувчилари - кичик гуруҳ, ишчи-хизматчилар — катта гуруҳ;

- Ҳаваскорларга машғулот вақтларини белгилаш. Мактаб ўқувчиларига дарсдан кейин, ишчи-хизматчиларга ишдан бўш кунлари 1 ҳафтада 3 кун 2 соатдан қилиб белгиланади.

- Мактабгача тарбия муассасаларида эса ҳафтасига 2 марта 30-40 минутдан машғулоти вақтини белгилаш керак,

Тўғаракка қатнашиш ниятида келган ҳаваскорларнинг орзу-истаги бир олам бўлади, шунинг учун ундаги қобилятни синчиклаб текшириш керак, баъзи арзимас камчиликларни машғулоти давомида йўқотиш мумкин. Баъзилар рақсга тушишни хоҳлайдилар, лекин рақсга ҳеч қандай қобиляти бўлмайди. Уларга ётиғи билан тушунтириб, бошқа тўғаракка йўналтириш керак. Рақс бадийи жамоаси байрам тантаналари, концерт, бадийи-оммавий тадбирлар, кўрик танловларда қатнашишларига тўғри келиб қолганда, балетмейстер орқали шу муассаса раҳбари ҳаваскорларнинг ўқиш, иш жойи раҳбарияти номига белгиланган муддатга ишдан ёки ўқишдан "сабабли" деб озод этишларини расмий равишда суралади. Чунки уларнинг ойлик маошлари сақланиб турилиши керак. Профессионал рақс тўғаракларида эса шарт-шароит, меҳнат шартномаси, қонун-қоидаларлардан келиб чиққан ҳолда раққосанинг мажбуриятлари, раҳбарият томонидан белгиланади. Улар ойлик маошларидан ташқари, мукофотланиб, рағбатлантирилиб турилади. Агар ансамблнинг қонун-қоидалари, меҳнат шартномасидаги қоидалар бузилса, унинг фаолияти тўхтатилади.

Ҳаваскорлик ансамблларида ҳам ички тартиб бузилса, ҳаваскорнинг шу соҳадаги фаолиятини тўхтатиш балетмейстер ёки раҳбар томонидан амалга оширилади.

Машғулоти ўтказиладиган хона ўзбек рақс усталарининг расмлари билан безатилган, озода, ёруғ ва кенг бўлиши керак.

10-МАВЗУ, ИЖРО ЭТИШНИНГ ТЕХНИК ИМКОНиятларини ЯРАТИШ

"Яхши техникага эга раққоса" деганимизда, ижро ҳаракатлари тез, аниқ, ва чакқон бўлган раққосани кўз олдимизга келтирамиз. Лекин яхши техникага эга раққоса рақсда балетмейстер ва бастакор айтмоқчи бўлган фикрни ўз ижроси билан очиб берибгина қолмасдан, рақс ёрдамида маълум маънодор фикр ярата олиши керак. Бош, гавда, қўл ва оёқ учун машқлар бажариш, айланишларни кўпроқ

машқ қилиш раққосаларни рақсларда учрайдиган мураккаб комбинациялашган ҳаракатларни ижро этишга олдиндан тайёрлайди. Раққоса бу мураккаб комбинацияларни яхшироқ ижро этишни таъминлаш учун ҳаракатлардан-ҳаракатларга юмшоқ ўтиш машқини чуқурроқ ўзлаштириши керак. Бундан ташқари бу машқлар, ҳолатлар устида мунтазам шуғулланиб борилса, раққосага техник ва бадиий имкониятларни ўзлаштиришда янгиликлар яратади.

Шуни унутмаслик керакки, айланишлар, ҳаракатларнинг нозик ва аниқ ижроси мақсад ва маъно билан амалга оширилиши керак. Ҳар сафар машқ устида ишлаётганда раққосанинг олдига аниқ вазифа қўйилмоғи керак. Бу вазифа раққосанинг шахсий хусусиятларини ҳисобга одган ҳолда унинг умумий ижрочилик қобилиятини ривожланишига фойда бера оладиган бўлиши керак.

Масалан: Агар раққоса ижросида эгилиш ёки чарх айланиши оқсаётган бўлса, шу ҳаракатни машқлар ёрдамида такрорлаш мумкин. Машқлар маълум кўникмаларни ҳосил этиш, ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилгандир. Бу вазифани бажаришда ўргатиш жараёнини системалаштириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ҳаракатларнинг ички тузилишини, олдинги ҳаракатга асосланган ҳолда янада мураккаброқ, ҳаракатни ҳосил этишнинг йўллари ҳисобга олиш зарур. Бу соҳадаги тажрибалар шуни кўрсатадики, ижрочилик соҳасини мунтазам равишда тарбиялаш иши "оддийдан — мураккабга" принципи асосида ташкил этилиши керак. Янги ҳаракатни ўзлаштириш ишига олдинги ҳаракат пухта ўзлаштирилгандан кейингина ўтиш мумкин. Акс ҳолда раққоса олдига қўйилган вазифа ўта мураккаблашиб кетиши мумкин. Шу сабабли ижро техникасининг турли элементларини ўрганишда ўзвий боғлиқлик принципига амал қилиш зарур бўлади. Янги ўргатилаётган ҳаракат олдингисига маълум даражада ўхшайдиган ёки ўхшамайдиган жойларини аниқлаш, уларни таҳлил этишни ўргатиб борилса, раққоса учун ижро этиш пайтида қийинчиликлар туғдирмайди. Ҳаракатларни ўзлаштириш жараёнини илмий асосда тўғри олиб бориш керак, чунки

кейинчалик хатолари сезилганда, яна қайтадан ўргатмаслик мақсадида қатъий қоидаларга бўйсунган ҳолда таълим берилиши керак. Рақсдаги мураккаб ҳаракатларни ўргатишда уни қисмларга бўлиб ўзлаштириш, ўзлаштириб бўлгандан сўнг қисмларни бирлаштириб, яхлит ижро этиш яхши самара беради. Машқ қилиш жараёнида раққоса ўзидаги камчилик ва хатоларни ўзи аниқлай билиши, англаши — техник иқониятларни ривожлантиришнинг асосий шартларидан биридир. Раққосада ўз-ўзига талабчанлик ҳиссини ҳам ўстириб бориш зарур, бу рақсдаги тажрибасини ошиб боришини таъминлайди.

Рақс санъатида "Классик рақс" фани ижро техникасини ривожлантиришда муҳим ўрин эгаллайди, оёқ мускулларининг кучли бўлиши, гавда ва қўлининг нозик, майинлиги, энг асосийси эса ҳаракатни онгли равишда бажарилишини таъминлайди, билимларини чархлаб, ўткирлаштиради. Рақс техникасини оширишда биринчи бўлиб ҳаракатларнинг аниқ бажарилишини таъминлаш зарур, иккинчидан ҳаракатларни секин қисмидан тез қисмига ўтишда ёки аксинча, тез бажариладиган ҳаракатдан кейин секин бажариладиган ҳаракатга ўтишда ҳаракатларнинг маъносини йўқотмасликка эриши керак ҳар бир ҳаракатни ўргатишда аввал шу ҳаракатни секин бажартириб, секин-аста ўз темпига етказишни машқ қилдириш керак. Секин бажарган пайтда ҳаракатнинг қонун-қоидаларига амал қилиш назарда тутилади, ҳаракат назарий жиҳатдан ўзлаштирилганидан сўнг эса керакли темпгача тезлаштирилади. Агар ҳаракатни бирданига ўз темпида ўргатилса, раққоса ҳаракатларни назорат қила олмай қолади ва ижро назоратсиз, хатолар билан ўрганилади. Иккинчидан, бундай тезликдаги ижро учун раққоса етарли тайёрланмаган бўлади, натижада кераксиз бўлган ҳаракатлар ижро этилиб кетади. Ҳар ижро ҳам маълум даражада куч ишлатиб бажарилади. Нафас олиш, кучланиш ижро ҳаракатига ёрдам қилиш ёки ҳалақит бериши мумкин. Куч ишлатиш, нафас олишлар тўғри амалга оширилса, машқлар давомида кўникмалар ҳосил қилинса, раққоса чарчоқ сезмайди. Хуллас, ижро пайтида кучни тўғри таксимлаб ишга солинишини назорат қилиш балетмейстернинг таълим бериш ишидаги асосий

вазифасидир. Шундай қилиб, раққосанинг ижро техникасини ривожлантириш орқали унинг етук раққоса бўлиб етишишига эришиш мумкин.

11-МАВЗУ. ҲАВАСКОРЛАРНИНГ ИЖРО ЭТИШ ПАЙТИДАГИ ҲОЛАТИ

Раққосанинг рақс ижросини муваффақиятли ўзлаштириши кўп жиҳатдан гавданинг тўғри тутилишига боғлиқдир. Ижро пайтида гавдани шундай тутиш лозимки, токи у раққосанинг барча ҳаракатлари учун қулай бўлсин. Шу билан бир қаторда рақсда гавданинг ва ҳаракатларнинг ташқи кўриниши чиройли бўлишига эришиш керак. Раққосалар ижрочилигининг ҳолатлари, майинлиги, оёқларининг чаққонлиги, аниқ, ҳаракатланиши ҳамда юзидаги муқомларнинг керакли жойда ишлата билишга эришишлари керак.

Ўзбек рақсимизда ияк ортиқча кўтарилмайди, бош ва гавда, қўл ҳаракатлари билан уйғунлашиб кетади. Гавданинг умуртқа суяклари тик бўлиши ва бўшашмаслиги керак. Елка эса ҳаракатга мос равишда ҳаракатланиши керак. Раққосанинг ижро этиш пайтидаги руҳий ҳолати муҳим ўрин тутаетди. Ҳар бир раққоса сахнага чиқишдан олдин сахнага, томошабиннинг назоратига кўника олиши керак. Ўзини руҳан тутта билиши керак. Ижро этмокчи бўлган рақсини тўлиқ ўрганган ва ўзига ишонган бўлиши керак. Балетмейстер раққосани биринчи машғулотлардан бошлаб, сахнага тайёрлаб боради. Балетмейстернинг шоғирдлари билан муомаласи уларнинг ижроси муваффақиятлили чиқишида ёрдам беради.

12-МАВЗУ. МУСИҚА РИТМИ. ЭСЛАБ ҚОЛИШ ВА ЭШИТИШ ҚОБИЛИЯТИ

Ритм — мусиқанинг асосий элементларидан бири бўлиб, мусиқа товушларининг вақт бирлиги ичида жойлашуви қонуниятларини белгилаб беради. Мусиқа ритми -- рақснинг мазмунини, образли моҳиятини англатади. Рақс ижро этиш пайтида раққоса мусиқанинг мазмунига тобора чуқурроқ тушуниб боради. Ритм орқали

ижро этиш пайтида, эшитиш давомида очилмай қолган фикр ва туйғулар ижрочи учун тушунарли бўлиб боради. Сўз билан ифодалаб бўлмайдиган ўзига хос мусиқа ритмининг моҳиятини айни ижро пайтида раққоса томонидан англонади.

Ёш раққосанинг мусиқа ритми туйғусини шакллантириш ва ривожлантиришда қўшимча имкониятлар мавжуд. Булардан бири -- **санаш**. Ижро ўргатилаётган пайтда раққоса тарафидан санаб ижро этиш ритмик тузилишни осонроқ тушунишга ёрдам беради. Умуман, ижрони ўрганиш пайтида санаш мусиқа ритмини ҳис қилиш ва мустаҳкамлашда фойдалидир. Лекин кўп раққосаларнинг ижро этиш пайтида овоз чиқариб санашларига йўл қўймаслик керак. Санашдан факат рақс ўргатилаётган пайтда фойдаланиш мумкин. Раққосалар орасида тез-тез учраб турадиган камчилик — мусиқадан тезлашиб кетиш ёки орқада қолиш. Буни бартараф этиш учун одатда раққоса билан чапак чалиб, мусиқани овоз чиқариб куйлаш, санаш керак ва яна ижрони давом эттириш керак.

Мусиқани эслаб қолиш қобилияти - маълум рақс ҳаракатларини керакли вақт ичида раққоса онгида сақланиб қолишини таъминлайди. Рақс санъатида раққоса учун энг зарур бўлган учта сифат бирлигига эга бўлиш керак:

- 1.Эшитиш қобилияти.
- 2.Мусиқа ритми туйғуси.
- 3.Эслаб қолиш қобилияти (хотира).

Фандаги махсус изланишлар натижасида маълум бўлдики, мусиқани эшитиш қобилияти, ритмик туйғунинг шаклланиши даражаси билан мусиқани эслаб қолиш, хотира сифатлари ўртасида бевосита боғлиқлик бор экан. Раққосада эшитиш қобилияти ва ритм туйғуси ривожланган бўлса, хотира ҳам юқори даражада бўлади. Эшитиш қобилияти ва ритм туйғуси паст бўлса, хотиранинг ривожланишига ҳалақит беради. Мусиқа эшитиш орқали онгимизга қабул қилинади. Қабул қилинган мусиқанинг ритмини ҳис этиш орқали ҳаракатлар бажарилади. Ушбу ҳаракатларни хотирада сақлаб қолиб ижро этиш эса рақсни тўлақонли чиқишига сабаб бўлади. Рақс қисмлари ўзининг ҳажми жиҳатидан жуда катта

бўлмаслиги зарур. Рақсни ёд олишда ундаги маънодор характерли жойларига таяниб ўрганиш яхши натижа бериши мумкин. Рақс фикрининг бошланиши ва тугашили аниқ белгилаб олиш, ўзига хос безакли жойларига эътибор бериш ҳам мустаҳкам ёд олишга ёрдам беради. Баъзи раққосаларда кўриб, эслаб қолиш қобилияти ривожланган бўлса, бошқаларда қайта-қайта тушунтириш орқали мақсадга эришилади. Рақсни ёд олиш ва ижро этишда қайси усулдан фойдаланишдан катъий назар, муҳими рақсни хотирада сақланиб қолиши ва халққа етказа олинисидан иборат.

13-МАВЗУ. РЕПЕРТУАР ТАНЛАШ

Раққоса ижро этадиган рақслар мажмуаси — **репертуар** дейилади. Раққосалар учун репертуар танлашда нималарга эътибор бериш керак? Репертуарни қандай танлаш керак? Дуч келган рақс куйига рақс саҳналаштиравермаслик керак, шунингдек, дуч келган рақсни ҳам раққосага ижро этиш учун ўргатиш ярамайди. Танланаётган рақс раққосанинг ижро маҳоратини яна бир поғонага кўтариш учун хизмат қилиши керак. Раққосанинг ижро маҳоратидаги муваффақиятли ривожланиши ҳар доим ҳам унинг қобилияти билан белгиланавермайди. Бунда репертуар танлашнинг ҳам муҳим аҳамияти бор. Раққосанинг олдига қўйилаётган вазифаларнинг бир маромда мураккаблашиб бориши унинг қизиқишини янада кучайтириб боради. Бошқача қилиб айтганда, танланаётган рақс олдингисидан ижро жиҳатидан мураккаброқ бўлиши зарур. Шунини айтиш керакки, танланган рақс раққоса имкониятларига мос келиши керак, токи у рақснинг бадиий ва техник вазифаларини ҳал эта олсин. Раққосаларнинг ҳаммасида ҳам ижро усули ва услубларининг кўникмаси бир хилда ривожланган бўлмайди. Баъзилар жадал тезликда ижро этишда қийинчиликлар сезсалар, бошқалар вазмин, мумтоз рақсларнинг ижросида қийналадилар. Репертуар танлашда раққосанинг хусусиятларини ҳисобга олиш керак. Ҳозирги кунда рақс ижрочилари учун репертуар танлашда бошқа халқ рақслари жамланган китобдан фойдаланиш ҳам мумкин. Ўзбек халқ мерос рақсларимизга айланган рақсларни эса

Розия Каримованинг "Баҳор" ансамбли рақслари, "Исаҳор Окилов сахналаштирган рақслар" китобидан фойдаланиш мумкин. Раққосаларнинг репертуарлари тарбиявий аҳамиятга эга бўлиши билан бирга ижрочиларнинг имкониятларига мос бўлиши керак. Кичик ва ўрта гуруҳ қатнашчилари асосан мактабгача таълим муассасаси ва мактаб ўқувчиларидан иборат бўлганлиги сабабли ўргатиладиган рақслар ўзларига хос ва мос бўлиши керак. Бу гуруҳ қатнашчилари болаликка хосдир. Уларга шўх, уйноқи ва фолклор рақслар кўпроқ мос тушади. Унча қийин бўлмаган ҳаракатлар берилиши, хилма-хил фигуралар ҳосил қилинадиган юришлар берилиши керак. Бу гуруҳларга "Пахта" сюитаси, "Шўх киз", "Лазги" рақсларини ўргатиш мумкин. Болаларбоп кўшиқларга -- Ватан, дўстлик мавзусидаги кўшиқларга рақс сахналаштириш мумкин. Қувноқлик, бахтиёрлик ҳисси рақсда акс этиши лозим. Бирор сюжетли рақс ўргатилаётганда эса унинг мазмуни содда тил билан уларга тушунтирилса, чин дилдан севиб, меҳрини бериб ижро этишади. Рақс тўлақонли чиқади, чунки ёш болаларнинг зеҳни ўткир, хотираси кучли бўлади. Улар рақсни тез фурсатда ўрганиб оладилар. Ҳаваскор раққосага репертуар танлашда балетмейстер ахлоқий-эстетик тарбияни амалга ошираётганини асло унутмаслиги керак. Чунки ҳар қандай рақс ҳам ёшларга ахлоқий-эстетик тарбия беравермайди. Балетмейстер ўз ишининг мазмунли ва таъсирчан чиқиши учун ҳар томонлама мукамал, қатнашчиларга мос, тарбия талабларига тўла жавоб берадиган рақсларни, рақс куйларини синчковлик билан танлаб, репертуарга киритиш лозим.

14-МАВЗУ. РАҚС ИЖРОСИ УСТИДА ИШЛАШ

Рақс характери, бадиий образ йўналиши, кульминацияси, рақснинг умумий тузилишини англаб олиш келажакда тўлақонли ижро учун ёрдам беради. Бўларни аниқлашда балетмейстернинг ёрдами керак бўлади. Рақс куйи ижрочиларга эшиттириб кўрилади, унинг характери, қайси услубда ва жанрдаги куй эканлиги тушунтирилади. Рақс куйи назарий жиҳатдан ўзлаштирилганидан сўнг унинг амалий ижросига ўтилади. Рақс бошидан охиригача бир хил

техник қийинчиликда бўлмасдан, балки унинг баъзи қисмлари бошқаларига нисбатан ижро жиҳатидан унча мураккаб бўлмаслиги мумкин. Бундай пайтда шу қийин жойлар алоҳида ажратилиб, уларнинг ижроси устида махсус машқлар ўтказиш тавсия этилади. Лекин бундай ишлаш жараёни жуда узок, давом этмаслиги керак. Қийин қисми яхши ижро этилишига эришилса ҳам, кўп ҳолларда рақс бошидан охиригача ижро этилган пайтда шу қийин қисми алоҳида ажралиб қолиши мумкин. Шунинг учун қийин қисмлар устида ишлаш жараёнида унда бир неча олдинги ва кейинги ҳаракатлар билан қўшиб ишлаш тавсия этилади. Рақс ижроси устида ишлаш пайтида раққосанинг имкониятларига мос бўлган тезликда ишлаш керак. Рақс ижроси устида ишлаш тўғри ишлай билиш ижро маҳоратини оширишдаги омиллардан бири. Ҳар бир ҳаваскорнинг ўзига хос ижобий хислатлари бўлади. Унинг хусусиятлари ва характерини балетмейстер яхши билиш керак. Санъатда яхши натижаларга эришиш учун балетмейстер ёш талантнинг ана шу хусусиятларига эътибор бериши керак. Агар рақс яхши саҳналаштирилган бўлса-ю, раққосанинг ижроси суст бўлса, рақс устида ишлаш жараёнида ривожлантириш мумкин. Лекин раққосанинг куйни қабул қилиши, рақсни таъсирчан ижро этиш қобилияти, хотираси суст бўладиган бўлса, машғулотлар ҳам ўз самарасини бермайди, уни тузатиш қийин бўлади. Балетмейстернинг бой тажрибаси унинг тўғри хулоса чиқаришига ёрдам беради. Бирок баъзи ҳаваскорлар ўз қобилиятини ҳар доим ҳам тўлиқ, намоён эта олмайдилар, бегона кишилар ҳузуида рақс ижро этганда ҳис-ҳаяжонга тушадилар. Бундай ҳолда ҳаваскорнинг мия активлиги тўхтаб, ижрочилик сифатини кўрсата олмай қолади. Мусиқани эшитмай қолиши, рақс ҳаракатларини унутиб қўйиши, ўзини эркин тутта олмай қолиши ва шунга ўхшаш ёшларга хос камчиликлар рақс ижроси пайтида сезилиб қолади. Бундай олиб қаралса бу нарса, профессионал нуктаи назардан салбий хусусиятдир. Бу камчиликни балетмейстер томонидан саҳнага ўргатиш йўли билан йўқотиш мумкин. Баъзи раққосалар эса саҳнага чиқишдан чўчимайдилар, лекин рақсни чиройли ижро эта олмайдилар. Бу ерда ҳам балетмейстернинг катта меҳнати орқали раққоса яхши натижаларга эришиб ҳаваскорларга ўзининг ижобий таъсирини ўтказа олиши мумкин.

Ракснинг асоси ўргатилиб бўлингандан сўнг, қайта-қайта машқ қилиниб, сайқал берилади, унга безак берилади. Бу ишда асосан раққосанинг ўзи бўлиши керак. Балетмейстер фақат кўрсатма бериш билан чегараланади. Раққоса рақсни ёд олса, рақс ижросида ўз эътиборини бадий образларга қаратса, уни талқин қилса, рақс шаклини ўз ижроси билан умумлаштиришга қаратса, рақсдаги барча кўрсатма ва қоидаларга риоя қилсагина рақс ижроси устида ишлаш иши мукаммал амалга ошганлиги кўринади. Муҳими шуки, рақснинг сахналаштирилиши, унинг тўла рақс шаклига келиш жараёни раққосага ёқкиши, унда қизиқиш уйғотиш керак. Балетмейстер раққосанинг хоҳишига қарши эмас, аксинча унга нисбатан хайрихоҳ бўлиши мақсадга мувофиқдир. Раққоса рақс ижроси устида ишлаши учун мунтазам равишда вақт ажратган ҳолдагина балетмейстер кўзлаган мақсадга эришиши мумкин.

15-МАВЗУ. БАЛЕТМЕЙСТЕР ВА ҲАВАСКОРНИНГ ЎЗARO МУНОСАБАТИ

Мураббийлик одоби

Рақс ижрочилигидан таълим берадиган балетмейстер ёки педагогнинг иши, унинг бурчи нималардан иборат? Аввало маданият ходимининг доимо ўз маърифатини ошириши, замонавий талабларга муносиб бўлиши, санъат, ижтимоий рухшунослик, ижод психологияси, балетмейстернинг маҳорати борасидаги билимларини бойитиши, санъатнинг турли соҳаларидаги энг янги, илғор ғояларини ўзлаштириши, маданий ҳодисалар ва улар атрофидаги баҳсларда, ютуқ ва камчиликлардан хабардор бўлиши талаб этилади.

Педагог — балетмейстерлик бурчи жамоа аъзоларини замонавий талаблар даражасида ўқитишни, уларнинг чуқур ва мустаҳкам билим олишини таъминлашни, турли сабабларга кўра, илм олишда оқсаётганларга ўз вақтида ёрдам беришини тақозо қилади. Бадий жамоадаги барча аъзоларнинг қобилиятидан қатъи назар, улар билан тенг, дўстона муносабатларни сақлай билиши, сабр-тоқат билан тушунтира олиши керак. Педагог-балетмейстер — уддабурон, тадбиркор ва талабчан бўлиши, шу билан бирга жамоа

аъзоларининг ҳаққоний тенглигини таъминлай олиши керак. Айниқса, ихтилоfli, кескин вазиятларда раҳбарнинг адолатлилиги синовдан ўтади. Педагог-балетмейстерлик иши билим ва қобилият талаб этадиган ишдир. Балетмейстер учун факат раққоса бўлишнинг ўзи етарли эмас. Ундан педагогик фикрлаш, ёш раққосанинг ички дунёсига кира олиш, унинг ўз хусусиятларини ҳисобга олиш каби сифатларига эга бўлиш ҳам талаб этилади. Агар балетмейстер ўз шоғирдларининг ҳурматини қанчалик қозонган бўлса, унинг иш самараси ҳам шунчалик яхши бўлади. Айниқса, машғулотнинг бошланғич даврида раққоса ўз балетмейстерига тўла ишонч билан қарайди. Шу ишончни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун балетмейстердан юксак профессионал маҳорат талаб этилади. Ўз балетмейстерининг дарс жараёнида унинг моҳирона ижросини кузатиш раққосанинг ижрочилик қобилиятини тарбиялашда ёрдам беради. Ҳаваскорлар балетмейстердаги ҳар бир ноаниқ, характерни ўз вақтида илғаб оладилар. Доимо балетмейстер ўз фикрини ҳақиқий фактларга асосланган ҳолда ишонтириш йўли билан тушунтириши лозим. Ўзаро ишонч ва яхши муносабатларнинг пайдо бўлишида балетмейстернинг хулқи, муомала маданияти катта аҳамиятга эга. Баъзи балетмейстерлар ўз раққосаларининг бошқа балетмейстерлар иши билан танишишларига қатъиян қаршилиқ кўрсатадилар. Бу уларда худбинлик ҳиссини туғдиради. Уларнинг яхши томонларини ҳам нотўғри таҳлил қилишга олиб келади. Балетмейстер раққосаларга нисбатан оддий ва самимий муносабатда бўлиши унинг асосий вазифасидир. Қўпол муносабатда бўлган балетмейстердан улар ўз ҳақиқий муносабатларини яширадилар, ёлгон сўзлайдиган ва камгап бўлиб қоладилар. Раққосада намоён бўлаётган ижодий интилишга ҳеч қачон қаршилиқ кўрсатиш керак эмас. Ундаги келажакка бўлган умид ва ишончни қўллаб-қувватлаш яхши натижалар беради. Раққоса билан шуғулланиш давомида унинг оиласи билан ҳам яқиндан таниш бўлиш керак, чунки тарбия ишида унинг энг яқин ёрдамчиси **отанадир**. Балетмейстерлик катта қувонч бахш этиш билан биргаликда жавобгарлик ҳам демакдир. Бизнинг мамлакатимизда педагогик, балетмейстерлик касби катта ҳурматга эга бўлган эъзозли ҳунар ҳисобланади. Балетмейстерлик туфайли рақс билимларининг пойдевори

ўрнатилади, инсон дунёқараши ва характери шаклланади. Педагог-балетмейстер орқали раққосанинг ижоди ривожланиб, юксак поғоналарга кўтарилади. Ёш раққосадаги нозик туйғулар балетмейстернинг тарбияси остида рўёбга чиқади. Онглилик, меҳнатга муҳаббат, одамийлик хислатлари намоён бўлади. Инсонийлик ва хайрихоҳлик ҳар қандай касб эгасига обрў келтиради.

16-МАВЗУ. ҲАВАСКОРНИНГ МУСТАҚИЛ МАШҒУЛОТИ

Раққосанинг мустақил машғулотларида рақс санъатига бўлган онгли муносабати етакчи ўринни эгаллайди. Рақс ижросини ўрганиш жараёнида мунтазам равишда амалга ошириладиган уй машғулотларининг аҳамияти жуда каттадир. Бундай машғулотлар давомида раққосада меҳнатга бўлган онгли муносабат шакллана боради. Раққосага мустақил ишлаш учун қанча эрта имконият яратилса, унинг натижаси шунча эрта кўзга ташланади. Яна асосий принциплардан бири машғулотнинг мунтазамлилигидир. Раққосалар ўз фаолиятларининг дастлабки даврлариданок мустақил машқ қилишнинг мунтазамлилигига кўникма ҳосил қилиши керак, Мунтазам машғулот олиб бориш одатда қийин бўлса ҳам аста-секин одат тусига кириб боради ва раққосанинг ўзи машғулотни ўз хоҳиши билан бажаришга ўрганиб қолади. Мустақил иш пайтида раққосанинг эътиборини, диққатини конкрет вазифага қаратиш керак. Айрим ижрочилар берилган вазифани тайёрлаб келмаслик ҳоллари ҳам учраб туради. Бу раққосанинг машғулотга ёмон муносабати ёки дангасалигидан эмас, балки берилган вазифани охиригача тушунмаганлиги, ҳаракатларни ўрганишга қандай ёндошиш кераклигини билмаганлигидадир.

Ижрони ўрганиш учун айтилган камчиликларни бартараф этишда вазифа раққосага батафсил тушунтирилмоғи, унинг имкониятлари ҳисобга олинмоғи лозим. Баъзан, ижрочилар мустақил машғулот билан шуғулланаётган пайтда саҳналаштирилган рақсни бошидан охиригача кўп маротаба такрорлайверадилар. Бунда машғулот қуруқ ва сохта бўлади. Рақснинг маъноси, ўзига хос хусусиятлари тўла ва аниқ таҳлил қилинмайди. Рақс

балетмейстер оддида номига ижро этиб бера олиш учунгина юзаки такрорланади. Охир-оқибат ижрочи сохта рақсдан зерикади, хафсаласи кетиб кўнгли совийди. Ўз-ўзидан маълумки, бундай машғулотлардан бирор натижа чиқиши қийин. Раққосалар мустақил машғулот пайтида ўз-ўзини назорат қила олишлари керак.

Масалан, рақс ҳаракатларининг бирортаси нотўғри ўрганилган бўлиши мумкин, буни раққоса сезмайди ёки бирор ижро услуби нотўғри бажарилади, бу ҳам раққоса назаридан четда қолади. Бундай камчиликларни балетмейстер раққосага тушунтиради. Мустақил иш пайтида ўзини назорат қилиб, шу камчиликларни бартараф этиш учун ҳаракат қилишга эришилмоғи керак,

Мустақил машғулот қандай тузилмоғи керак? У нималардан иборат бўлади?

Юқорида айтиб ўтганимиздек, мустақил машғулот учун берилган вазифа қанчалик аниқ бўлса, раққосанинг мустақил машғулооти осон кечади. Мустақил машғулот маълум режа асосида олиб борилса, яхши натижага эришиш мумкин.

Қуйида мустақил машғулот учун тахминий вақтни келтирамиз:

1. Ҳолатлар, ҳаракатлар, айланишларни бажариш— 10-15 дақиқа.

2. Рақс ижроси устида ишлаш. Қийналиб бажараётган ёки камчиликлари айтилган ҳаракатларни тозалаш— 15-20 дақиқа.

3. Рақсни бошидан охирагача бутун маҳоратини ишга солиб қайта-қайта такрорлаш — 15-20 дақиқа.

4. Бу машғулотлар давомида дам олиш учун ҳам 5 дақиқа вақт ажратиш керак.

Келтирилган вақтлар тахминий бўлиб, уни раққосанинг имкониятларига қараб камайтириш ёки кўпайтириш мумкин. Ушбу тахминий вақт 45-60 дақиқани ташкил этяпти. Машғулотлар мунтазам равишда олиб борилса, кўзланган мақсадга эришмоқ, мумкин. Рақс ижроси билан мустақил ишлаш жараёнида раққоса ҳам ақлан, ҳам жисмонан чарчаши мумкин, унинг дам олишига бир оз вақт ажратилиш лозим. Акс ҳолда ижронинг сифати ёмонлашиб, хато ва камчиликларга кўпроқ йўл қўйилади.

17-МАВЗУ. РАҚСЛАРГА ЛИБОС ТАНЛАШ

Кийим -- инсон маънавияти, маданиятининг бир кўринишидир. Азал-азалдан либосларимиз жаҳон халқлари ўртасида ўз мавқеига эга бўлган. Бугунги кунда ҳам "ўзбек" деган номимизга либосимиз ярашиқли бўлса деймиз. Саҳнада хиром этаётган раққосанинг ҳаракатлари, рақс куйи, рақснинг мазмуни тўлалигича томошабинга етиб боришида рақс либосининг аҳамияти каттадир. Рақс либослари орқали асосий мазмунни, фикрни етказиш мумкин. Рақс либослари орқали афсонани, инсон ҳис-туйғуларини, табиат гўзалликларини, меҳнат жараёнини очиб бериш мумкин. Рақс либосларидаги безаклар, тақинчоқлар, нақшларнинг барчаси рақснинг характерини, услубини, уларнинг бир-биридан фарқланишини кўрсатиб беради. Маълумки, ўзбек халқ рақси ўзининг 3 та мактаб йўналишига эга. Улар бир-биридан мусиқаси, ҳаракатлари ҳамда либослари билан ажралиб туради. Уларнинг ҳар бири ўзгача тарихга, кадр-қийматга эга. Ҳозирги кунда айниқса, фолклор жанри дунё юзини кўраётган бир даврда либосларнинг аҳамияти катта бўлиб бормоқда.

Ҳар бир балетмейстер ўзи саҳналаштирган рақсларга либос танлар экан, юксак дидга эга бўлиши билан бирга, либосларга нисбатан талабчан бўлмоғи керак. Танланган либослар ёки тақинчоқлар чиройли саҳналаштирилган рақсни буриб, бузиб ташламаслиги керак. Рақс либосларини кўриб, унинг қайси рақс мактабига тааллуқли эканлигини ажрата оладиган синчков томошабин ишончини қозониш балетмейстердан катта масъулият талаб этади. Масалан, "Тановар " рақс куйини эшитиш биланок, кўз олдимизда беқасамдан халат, оқ кўйлак, бошига дурра ураган, билагиди билакузук, бўйнида дурмунчок, қулоғиди балдоқли сирға таққан раққоса келади. Хоразм "Лазги"сида эса ихчам кўйлак, бошида чиройли тақинчоқли, чап тарафиди пати бўлган дўппи, билагиди "занг", кўксиди Хоразм услубиди тақинчоқлардан иборат раққоса намоён бўлади. Бухоро услубиди рақс характерига мос, залворли, оғир, босиқ характерли, куйга уйғунлашиб кетган зардўзи, кўйлак этаги ва енги кенг, зарҳал иплар билан тикилган нақшли кўйлақлар, бош кийими зарли пешонабанд, орқасиди

рўмол. Бу уч йўналишдаги рақснинг кўйлак ва тақинчоқларини бир-бирига аралаштирмасдан, ўзига мос ва хосини танлаш жуда муҳимдир.

Рақс либосларини танлашнинг асосий шартлари унинг мактаби ва йўналиши бўлса, яна бир шarti — рақсни ижро этувчи раққосанинг ташқи кўринишини ҳам ҳисобга олишдир. Бўй-бастии рангига мос келишини уйлаб либос танлаш зарур. Рақснинг талабга жавоб берадиган даражада бўлиши унинг сахналаштирилгани, ижроси ва либосларнинг танланишига боғлиқ. Ўзбек миллий рақсимиз уч йўналишдан ташқари мумтоз, лирик, фолклор, замонавий жанрларга ҳам эга. Бу жанрлардаги рақс либослари ва тақинчоқлари ҳам бир-биридан фарқ қилади. Камзул билан узун халатни, дўппи билан пешонабандни, билакузук билан зангни аралаштириб юбормаслик, зебигардон ва туморнинг ўрнига мунчоқ такиш каби камчиликларга йўл қўймаслик лозим, Балетмейстер ҳар бир рақс либосининг, тақинчоқларнинг туб моҳияти, келиб чиқиши тарихини билиши зарур. Сочга тақадиган жамалак, оёққа кийиш учун туфли ёки ковуш ҳам ўзининг жанрига мос бўлиши шарт. Акс ҳолда бачканалик, ортиқча зебу зийнат томошабиннинг раққосага нисбатан нафратини кўзғатади. Асосийси эса рақснинг асосий мақсадга эришишида ҳалал беради.

Хуллас, рақсларга тўғри либос танланиши ўлмас рақсимизнинг ривожига ўз ҳиссасини қўшади. Бу ишнинг асосий масъулларидан бири — балетмейстерлардир. Демак, балетмейстерлар бу ишда юқори натижаларга эришиш учун ниҳоятда эҳтиётлик билан ёндошишлари шарт.

18-МАВЗУ. САҲНА МАДАНИЯТИ

Саҳнада ижро этилган ҳар бир мусиқа ва рақсда ҳаракатлар уйғунлашиб, томошабинда турли туйғулар уйғотади, кайфиятни яхшилади. Таъсирчан ижро этилган рақс томошабин онгига етиб бориб, уни тўлқинлантиради, фикрлашга ундайди. Натижада, томошабин рақсни ҳис-ҳаяжон ва оҳанг орқали қабул қилади. Рақс санъатининг сеҳрли олами ўзига тортади. Рақс санъати жуда мураккаб ва кудратли. Сир эмаски, ёшу кекса — ҳамма рақс тушгиси келади. Аммо рақсга тушиш, ўз халқининг ҳақиқий

раққосаси бўлиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Рақс шунчаки, эрмак учун ижро этилмайди. Рақсни юракдан жўшиб ижро этиш лозим. Бунинг учун эса ижрочида қобилият, муסיқийлик, рақс жозибадорлиги бўлиши керак.

Раққоса томонидан тўла ўзлаштирилган рақс пировард натижада концертдами, имтиҳон, кўрик-танловдами сахнада ижро этади. Бунга қандай тайёргарлик кўриш керак? Раққосанинг сахна ижросига биринчи навбатда балетмейстерлар катта эътибор ва эҳтиёткорлик билан ёндошишлари керак. Рақсни ёд олиш сахна ижроси учун етарли эмас, балки уни томошабинга тушунарли тарзда етказиш керак. Шу сабабдан балетмейстерлар бу ишда раққосаларга яқиндан ёрдам беришлари, сахна ижроси пайтида уларнинг хотиржам бўлишлари учун керакли замин яратишлари лозим. Раққосанинг сахнадаги талабга жавоб бермайдиган ижросини баъзилар ҳаддан зиёд ҳаяжонланиш оқибати деб тушунтиришади. Албатта, сахна ижроси пайтида нафақат ёш раққосалар, ҳатто тажрибали моҳир раққосалар ҳам ҳаяжонланишади. Лекин сахна ижросидаги камчиликлар фақат ҳаяжондан эмас, балки машғулот пайтида рақсни пухта ўзлаштирилмаганлигидан ҳамдир. У рақсни қанчалик пухта ўрганган бўлса, сахна ижроси пайтида у шунчалик кам хатога йўл қўяди. Сахнада хато такрорланавергач, сахнадан кўрқиб қолиш ҳеч гап эмас. Сахнадаги ҳаяжон кўрқувга эмас, ижро учун ёрдам берадиган ҳаяжонга айланиши керак. Мана шундай ҳолларда унга балетмейстернинг оқилона маслаҳатлари, кўрсатмалари раққосани ижрога рағбатлантиради. Раққоса сахнада ўз фикрини жамлаб ўзига ишонч билан, рақснинг гўзаллигини, ўзининг малоҳатлилигини кўрсата олиши керак. Раққосанинг ташқи кўриниши, хусни, кийими, куйга монанд ҳаракатлари бир-бирини тўлдириб юқори даражада ижро этишга муяссар бўлиш гаровидир. Тўсатдан пайдо бўлган ноқулайликларни сездирмасликка актёрлик маҳорати қўл келади. Қийин ҳолатдан чиқа олиш, томошабинга сездирмаслик сахна маданиятининг талабларидан биридир.

Сахна маданиятининг асосий талабларидан бири — шунчаки рақсга тушиб томошабиннинг вақтини олиш эмас, балки сахнага чиқишдан мақсад -- раққосадан эстетик дид, фаросат, нафосатга етакловчи, маънавиятни

ривожлантирувчи шахс бўлиши талаб этилади. Рақс тўлақонли ижро этилгандан кейин унинг сахнадан қандай чиқиб кетиши, енгил таъзими, созандалар билан муомаласи, томошабинлар назоратида бўлишини унутмаслик керак. Раққоса томошабинни ўзига ром этиб, сеҳрлаб олиши керакки, уларнинг нигоҳи раққоса ортидан эргашиб қолсин. Бундай натижаларга эришиш раққосанинг одоб-ахлоқ, меъёрларига риоя қилишга, балетмейстернинг танбеҳларидан тўғри хулоса чиқара олишига боғлиқдир. Раққосанинг сахнадаги ҳар бир ижроси, юксак маданиятлилиқ даражаси унинг келажагида муҳим рол уйнайди. Сахнага чиқишдан олдин раққоса ўзини чарчатиб қўймаслиги керак. Хаяжонларини босиб, сахна ортида уни қўллаб-қувватлаб турувчи балетмейстерига таяниши керак. Сахнага чиқишдан олдин балетмейстер раққосанинг дилига қаттиқ тегмасдан эҳтиётлилиқ билан иш тутиши лозим. Дастлабки ижро муваффақиятли ўтса, бу раққосанинг кейинги чиқишларида ҳам ўзига ишонч бўлиб сахна маданияти учун қилган меҳнатларининг сифатли бўлганлигини аниқлашда кўзгу бўлиб хизмат қилади.

ХУЛОСА

Ўзбек халқ рақс санъати узоқ тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтди. Ижодкор халқимиз томонидан асрлар оша яратилган рақслар жаҳон санъатининг ноёб дурдонаси бўлиб қолди. Ўзбек халқ рақс санъатининг буюк даҳолари яратган ғоявий-бадий жиҳатдан юксак рақслар халқимизни асрлар давомида инсонпарварлик, она Ватанга муҳаббат, жасорат, фидокорлик, вафо, гўзал хулқ руҳида тарбиялаб келди. Мана шу хусусиятлар баркамол инсоннинг фазилатларидир. Мамлакатимиздаги маданий ҳаётнинг юксалиши ва рақс санъати таълимининг ривожланиши маданият ўқув юртларининг олдига янги-янги вазифалар қўймоқда. Мустақиллик шарофати билан кадриятларимиз, хусусан ўлмас меросимиз ҳисобланмиш миллий рақсимизга бўлган эътибор анча ортди. Олдимизга қўйилган вазифаларни бажариш иши ҳар тарафлама ривожланган, ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладиган раққосани, бўлажак балетмейстер-педагогни, маданият ходимини тарбиялаш билан боғлиқдир. Бундай кадрлар, умуман санъат ва хусусан, рақс санъатига оид билимдан, ўз хунарининг сирларидан бохабар бўлиши керак. Бундан ташқари, тарбияланаётган бўлажак мутахассис турли муаммоларни мустақил равишда ҳал эта олиши лозим.

Ўзбек халқ рақсининг ижрочилик санъатини тобора ривожлантириш, уни янги поғонага кўтариш йўлида меҳнат қилаётган балетмейстерларнинг ўз маҳоратларини оширишлари, ўз ишларига ижодий ёндошишлари самарали натижалар берувчи омил бўлиб хизмат қилади. Шу сабабдан ҳам рақс ижрочилиги, ҳаваскорларни шу санъат соҳасига жалб этиш, унинг таълим-тарбия жараёнини ҳаракатга келтирувчи кучларни чуқурроқ ўрганиш замонавий балетмейстерларнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Замон талабларига жавоб бера оладиган, кенг маънода ҳар томонлама тарғиб этадиган ва рақс санъатининг ривожланиши учун тинмай меҳнат қиладиган моҳир

балетмейстерни тарбиялаш ҳар бир балетмейстер-педагогнинг шарафли бурчидир.

Жамиятимиз тараққиётининг ҳар бир босқичида давлатимиз илгари сурган ғоялар қисқа давр мобайнида эришилган ютуқлар, халқимизнинг маънавий бойликлари, руҳий кечинмалари ҳозиржавоб балетмейстерларимизнинг рақсларида ўз ифодасини топди. Турли ансамбллар ижросида телевидение, концертлар орқали меҳнаткаш халқимиз оmmasига етиб боряпти. Халқимизнинг бугунги кунда сиёсий онги етук, маданияти-маърифати юксак, ахлоқий баркамол, турмуши гўзал экан, бунда рақс санъатининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Республикамиз меҳнаткашларининг юксак маданиятга эришаётганлиги, маданий камолоти шаҳар, туман, қишлоқларимизда маданият уйлари, санъат мактаблари, ўқувчилар саройлари, корхона ва ташкилотлар қошида ташкил этилган юзлаб бадий ҳаваскорлик жамоаларининг фаолиятлари, уларнинг республика миқёсида, чет элларга килган ижодий сафарларида ўз маҳоратларини намойиш этиб орттирган шон-шуҳрати туфайлидир.

Бадий-ҳаваскорлик жамоалари ҳозирги пайтда меҳнат ахлини ўзбек халқ куй, қўшиқ ва рақслари орқали маънавий тарбиялашнинг муҳим оммавий воситасига айланиб бормоқда.

Ушбу қўлланмада бадий-ҳаваскорлик жамоалари билан ишлашда қўл келадиган иш юритиш услублари берилган. Аммо рақс ижрочилигидаги бадий-ҳаваскорлик жамоалари билан ишлаш услублари мазкур қўлланмада батамом ва беҳато ёритилди, деган фикрдан йироқмиз. Уни янада кенгроқ ёритиб, буюк рақс санъати усталарининг иш услубларидан фойдаланиб умумлаштирилса, мақсадга мувофиқ бўлади, деган фикрдамиз. Бадий-ҳаваскорлик иши - ижодий иш. У кенг тармоқли, инсон тарбиясини ҳар томонлама қамраб оладиган комплекс ишдир. Хилма-хил тарбия соҳалари, шу жумладан, эстетик, ахлоқий, маданий тарбия соҳалари узвий боғлиқ ҳолда олиб борилгандагина баркамол авлодни вояга етказиш мумкин. Бунинг учун доимо изланиш, ижод қилиш, ҳаёт билан, давр билан баравар қадам ташлаш лозим.

1. Н. Шарипов. Рубоб примада ижро этишни ўргатиш методикаси. Тошкент. Гофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1990.
2. У. Қорабоев. Бадий-оммавий тадбирлар. Тошкент. "Ўқитувчи" нашриёти. 1986.
3. Р. Каримова. Танцы ансамбля "Баҳор". Тошкент. Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1979.
4. Р. Каримова. Узбекские танцы в постановке Исахара Акилова. Тошкент. Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1987.
5. Р. Каримова. Хорезмский танец. Тошкент. Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1975.
6. Р. Каримова. Ферганский танец. Тошкент. Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1973.

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ-----	3
1-БОБ "Рақс бадий жамоаси билан ишлаш услублари" фани билан танишиш-----	5.
1-мавзу. Хореография –санъат соҳаси сифатида -----	6.
2-мавзу Ҳаваскорлик рақс жамоаси –халқ бадий ижодиётининг бир бўлаги-----	8
3-мавзу. Балетмейстер тарбиялашнинг асосий принциплари-----	9
4-мавзу. Рақс бадий жамоасини ташкил этиш жараёнлари-----	11
5-мавзу. Бадий – оммавий тадбирларни ташкил этишда рақс жамоаларининг ўрни -----	13
2- БОБ Рақс бадий жамоаси билан ишлаш услублари	
1-мавзу. Рақс бадий жамоаси билан ишлашда ургатиш усуллари- умумий масалалари ва вазифалари -----	16
2-мавзу. Рақс бадий жамоаси билан ишлашда ижро этишнинг тарбиявий ва профессионал вазифалари-----	17
3-мавзу. Ижро этиш таълимида билим ва кўникмаларни ўзлаштириш -----	20
4-мавзу. Дарсинг тузилиши. Билимни текшириш ва баҳолаш ---	22
5-мавзу . Ойлик ва йиллик иш режасини тузиш-----	27
6-мавзу. Иш хисоботини ёзиш қоидалари-----	29
7-мавзу. "Рақс санъати хақида"-----	31
8-мавзу. Рақс бадий жамоаларининг вазифалари -----	32

9-мавзу.Бадийй жамоани тузиш-----	33
10-мавзу. Ижро этишнинг техник имкониятларини яратиш-----	35
11-мавзу.Хаваскорларнинг ижро этиш пайтидаги ҳолати-----	38
12-мавзу.Муסיқа ритми. Эслаб қолиш ва эшитиш қобилияти---	38
13-мавзу.Репертуар танлаш-----	40
14-мавзу.Рақс ижроси устида ишлаш-----	41
15-мавзу.Балетмейстер ва ҳаваскорнинг ўзаро муносабати-----	43
16-мавзу.Ҳаваскорнинг мустақил машғулоти-----	45
17-мавзу.Рақсларга либос танлаш -----	47
18-мавзу. Саҳна маданияти-----	48
Хулоса-----	51
Фойдаланилган адабиётлар-----	54